


А. ЭГАМНАЗАРОВ

УСТОЗГА
ТАЪЗИМ

«ЎЗБЕКИСТОН»
ТОШКЕНТ
1980

ББК 65. 0(2)30
з 18



з 10903—41
М351(04) 80 65—80—0302030800

© «УЗБЕКИСТОН» нашриёти, 1980 й.

МЕЪМОР БАХТИ

Ҳунарни асрабон неткумдир, охир,
Олиб тупроққаму кетгумдир, охир!

Алишер Навоий

Икром ака оламдан ўтганида оиланинг бош фарзанди бўлган Усмон ўн тўрт яшар бола эди. Боқувчи сидан айрилган тўрт жон тирикчилик йўлини ахтара бошлади. Онаси Усмонни йиғлаб-сиқтаб, ялиниб-ёлвониб Тошкентнинг Лангар маҳалласидаги уста Расулҳожига шогирдликка берди.

Ўтмишда уста номини олишдан қийини йўқ эди. Бунинг учун аввало шогирд ўзининг шу ҳунарга иқтидори борлигини қўрсатиши, энг муҳими, устозини рози қилиши керак эди. Ёш Усмон уста Расулҳожининг қўлида саккиз йил ишлади. Беш йилгача ҳафталик ҳақи ўн тийиндан ошмади. Ҳар пайшанба куни оқшом Расулҳожи шогирдининг қўлига ўн тийин берар, Усмон пулни ола бозорга шошиларди. Ўн тийинга ўнта-ўн иккита нон олиб, уйига борганида онаси, икки синглисининг қувончи оламга сигмасди. Ҳамма дам оладиган жума куни ҳам шогирдга тиним йўқ эди. Бу куни Усмон устасининг боғида ҳосилдан шохлари ларзон бўлган шафтоли, ўрикларни териб, қишига қоқи тайёрлар, токларни хомтот қиласади. Одатда шогирд фақат уста буюрган ишни қилиши керак эди. Устадан берухсат шогирд бирон ишга уринса ёки унинг асбобларига тегинса калтак ерди.

Олтинчи йилга ўтганда Усмоннинг ҳафталиқ иш ҳақи 50 тийинга, саккизинчи йилга ўтганда эса кундалик иш ҳақи бир сўмга чиқди. Бу пайтда у иморат ишидаги оддий чўпгарликдан тортиб, гишт териш, сувоқ, ганч ўймакорлигигача мустақил бажара оладиган бўлганди. Устаси уни бойларнинг иморатларида кунига икки сўмданга ишлатиб, бир сўмини ўзига оларди.

Ниҳоят саккиз йил деганда Усмон устаси (эндиги ибора билан айтганда — мураббийси) Расулҳожидан фотиҳа олиб, уста номига эга бўлди. Унинг уста бўлганидан кейин биринчи қурган биноси Тошкентнинг Сақичмон маҳалласидаги Тўхта бойвачча қурдирган масжид бўлди.

Илгари ўзбекларда ҳунар отадан болага мерос бўлиб қолиши одат бўлган. Айниқса, бу меъморчиликда анъанага айланган. Шунинг учун ҳам уста Усмон тўнгич ўғли Маҳмудни эсини таниганидан ёнида олиб юриб, ўз касбини ўргата бошлади.

— Ўтмишда ёшлар ҳунар ўрганадиган мактаблар йўқ эди. Бунинг устига усталар кўплаб шогирдлар тарбиялашдан манфаатдор эмасдилар,— дейди Маҳмуд ака,— чунки юртда қурилиш кам эди. Бинокорлар бир-бирларидан иш қизганишар, сифатли, кўркам қилиб қуриш йўлларини сир сақлашга интилишарди. Айниқса ганч ўймакорлиги ишлари кам бўларди. Асосан бойларгина меҳмонхоналарига ганч ўймакорлиги билан пардоз бердиришарди. Революцияя қадар ҳунар отадан болага мерос бўлиб қолганлигининг асосий сабаблари мана шу.

Фақат Совет ҳокимияти давридагина халқ амалий санъатининг гуркираб ривожланиши учун қулай шароит юзага келди. 30-йилларнинг охирида уста Усмон Икромов Ўзбекистон ССР санъат музейига ишга тақлиф қилинди. Бу ерда у ўғли билан бирга ганч ўймакорлиги намуналарини тамир қилди. Уруш йиллари

ота-бала ганчкорлар «ТошСовет» театри (ҳозирги Муқимий номли театр) ва Навоий номли театр бинолари қурилишида ишлашга таклиф қилиндилар. Бу ноёб бинолар қурилишида меҳнат қўлиш ёш Маҳмуд учун дорилфунун вазифасини ўтади. Бу ерда у Уста Ширин Муродов, Тошпўлат Арслонқулов, Абдулла Болтаев каби республиканинг машхур меъморлари билан бирга Бухоро, Хоразм, Тошкент, Фарғона залларига сайқал берди. Маҳмуд айниқса уста Ширин Муродовнинг санъатига ихлос қўйди. Йигирманчи асрнинг бу атоқли гул ганчкор устаси қасбини ёшларга бажондил ўргатишга тайёр бўлган сахий қалб эгаси эди. У Маҳмудга бухороча намоён — паннолар ижод қилиш, шарафа, новалар ишлаш йўлини эринмай ўргатди.

Утган асрнинг саксонинчи йилида Бухорода дунёга келган уста Ширин Навоий театри қурилишида ишлагунга қадар меъморчиликда катта тажриба ортирганди. Унинг бобокалони уста Умид ҳам замонасининг таниқли меъморларидан бўлиб, фарзандлари Фузайл ва Носирга ўз қасбини ўргатди. Уста Носирнинг ўгли Мурод уста Шириннинг отаси эди. Уста Ширин ўн бир ёшидан отаси ёнида ишлади. Ўн тўрт яшарлигига отасидан айрилиб, амакиси Уста Ҳаёт хонадонига келди. Уста Ҳаёт Бухоронинг таниқли меъморларидан эди. Унинг қўлида уста Сафар, уста Адис, уста Раҳим, уста Акром сингари кўпгина шогирдлар таълим олди. Ёш Ширин амакиси қўлида 18 йил шогирд бўлиб, қурилиш, чизмакашлик, гирих (геометрик) нақшлар чизиш назариясини ўрганди. Шу билан бирга қурилишларда меҳнат қилди.

Ширин уста номини олгач, илк бор мустақил равишда Бухородаги Абдуқодир бойнинг уйини қурди ва сайқал берди. У ишлаган нафис нақшлар ёш устанинг катта истеъдодидан дарақ берарди. Уста Шириннинг номи энг етук ёш меъморлар қаторида тилга оли-надиган бўлди.

1911 йилда Уста Ширин амир буйруги билан амиринг бўлажак саройи Ситораи Моҳи Хосса қурилишига бош уста қилиб тайинланди. У бу ерда (1913—1914 й.) машҳур Хонайи Сафид — Оқ Саройни бунёд этди.

Санъатнинг турли соҳаларини кузатганда, уларнинг ҳеч бирида тараққиёт текис давом этмаганлигини кўриш мумкин. Эллигинчи йилларда меъморчиликда «ортиқча ҳашам»га қарши кураш бошланди. Индустрлашган бинокорлик билан халқ амалий санъати сифишимайди, дейдиганлар топилди. Бинога нимаики кўрк, ҳашам баҳш этса, кишида эстетик завқ уйғотса, қарийб ҳаммаси ортиқчага чиқариб ташланди. Бунинг оқибатида шифтига қўйл тегадиган даражада пастак хонали турар жойлар, бири биридан деярли фарқ қилмайдиган кўримсиз бинолар пайдо бўла бошлади. Меъморчиликдаги ганч ўймакорлиги санъати ҳам «ортиқча»га чиқариб қўйилди. Ганч ўймакор усталарнинг кўпчилиги касбини ташлаб, бошқа соҳаларга ўтиб кетишиди. Лекин Маҳмуд Усмонов бундай қилмади. У Ленин ва Островский номли пионерлар саройларидағи ганч ўймакорлиги тўгаракларига бошчилик қилиб, ёшлар орасидан етилиб чиқаётган талантларни меҳр билан тарбиялашда давом этди.

Инсоннинг гўзалликни ҳис этиш туйғуси сўнмаганидек, ганч ўймакорлиги ҳам ривожланишда давом этди. Меъморчиликдаги нотўғри қарашлар партия ва ҳукумат томонидан қораланди. Накъошлиқ, ёғоч, мис ўймакорлиги қатори ганч ўймакорлиги ҳам бинолар қурилишида муносиб ўринни эгаллади.

* * *

1966 йилнинг 26 апрель тонготарида бутун Тошкент аҳолиси кучли зилзила даҳшатидан уйғонди. Уста Маҳмуд наридан-бери нонушта қилиб, шаҳар марказига — Йиқилоб хиёбонига йўл олди. Уни машҳур устози

Уста Ширин Муродов қурган курантнинг холи не кечди экан, деган хаёл қийнарди. Келибоқ зинадан юқорига кўтарилди. Устозининг моҳир қўллари билан ишланган шарафа, новалар гарс-тарс ёрилиб кетганди.

Уста Маҳмудда устози ишлаган нақшларни тамир қилиб, асл ҳолига келтириш истаги туғилди, ўз шогирдлари билан бир ойча ишлаб, курант пештоқларини асл ҳолига келтирди.

Янги Тошкент қурилиши мисли кўрилмаган даражада кенг қулоч ёйди.

Янги қурилаётган биноларнинг ҳар бири пишиқ бўлиши билан бирга ниҳоятда гўзал бўлиши керак, ҳар бир бино ўзига хос санъат асари бўлиб шаҳримиз кўркига кўрк қўшиши керак дейишди, ҳукумат бошлиқлари. Уста Маҳмуднинг юксак ҳунарига талаб ошди. Даствори Маҳмуд Усмоновга республика Министрлар Совети биносининг мажлислар залини безашни топширишди. Бу ерда уста миллый ганч ўймакорлиги санъатимизнинг бухорча майин, тошкентча ислими, хоразмча паргори-доира йўлининг уйғунлашувидан иборат бўлган ганч ўймакорлиги симфониясини яратди. Давлат комиссияси зал безагини аъло баҳога қабул қилди. Кишилар Вологда чеварларининг каштасидай нафис, қордай оппоқ ганч ўймакорлигини кўриб лол қолиши. Қўли гул устанинг санъатига тасанно айтишиди.

Бириси куни Маҳмуд Усмоновни Марказкомга чақириб, қандай илтимослари борлигини сўрашди. Шунда уста илгари Беньков номли бадиий-рассомчилик билим ютида ганч, ёгоч ўймакорлиги бўлимни бўлганлигини, иложи бўлса шу бўлимни қайтадан очиш ёки бошқа бир билим ютида шу касбларни ўрганишини йўлга қўйишни сўради. Тез вақт мобайнода бу илтимос қондирилди. Чилонзордаги 63-ҳунар билим ютида ганч ўймакорлиги бўлими очилди. Даствори кезларда

бу ерда устанинг ўғли, СССР Рассомлар союзининг аъзоси Мирвоҳид Усмонов дарс берди.

Кейинги ўн беш-йигирма йил мобайнида Маҳмуд Усмонов 120 га яқин шогирд тарбиялади. Улар қаторида икки ўғли, куёви, икки набираси ҳам бор. Шогирдлар ҳозир уч бригадага бўлиниб, республикамиздаги ва ундан ташқаридағи қурилишларда меҳнат қилишяпти. Икки бригадага устанинг истеъодли шогирдлари, СССР Рассомлар союзининг аъзолари Абдураҳмон Султонов ва Зиёвуддин Юсупов бошчилик қилади. Эллик кишидан иборат учинчи бригада бевосита Маҳмуд ака раҳбарлигида ишлайди. Бригадалардаги ёшларнинг кўпчилиги Чилонзордаги ҳунар-техника билим юртини битирган ёки Ленин ва Островский номли пионерлар саройларидаги тўгараклардан чиқишган.

Юқорида биз ганч ўймакорлигини симфония дедик. Маҳмуд ака эса ўз санъатини «Баҳор» қизларининг рақсига ўхшатади. Саҳнадаги раққосаларнинг ҳар бир ҳаракати, ҳар бир хироми ягона мақсадга йўналтирилган, маълум бир мазмунни ифодалаганидай, ўймакорликдаги жаъми гирихлар, гуллар ҳам бир мақсадга хизмат қилади — инсонга эстетик завқ бахш этади. Еопиқача қилиб айтганда, ганч ўймакорлигидаги ҳар бир ноёб намоён-паннони «қотирилган» рақс дейиш мумкин. Табийки, бундай ҳунар кишидан қобилиятни, тиимай меҳнат қилиб, ижодий изланишни талаб этади.

Уста шогирдларининг ҳар бирiga гачкорлик санъатининг бу юксак талабларини сингдириб боради. Улар билан ишлаш, маслаҳатлар беришдан эринмайди. Маҳмуд аканинг фикрича, ганчкорликда шогирлар билан ишлаш икки томонга ҳам фойдали: бир томондан ижод ишқи билан ёнган шогирднинг ақли чархланниб, қўли пишиб борса, иккинчи томондан ўргатаётган кишининг руҳи ҳамиша ўёшлик, яхшиликка яқин бўлади, унда янги-янги ижодий фикрлар туғилади.

Бригадага янги келган ёшлар дастлаб материаллар билан таниширилади, ганч ўймакорлигига жой тайёрлаш, асбобларни ишлатиш ўргатилади. Кейин оддий гирих чизиқлар ясашга рухсат берилади. Қобилиятли, ҳаракатчан йигитлар икки-уч йилда мураккаб нақшларни ишлай оладиган яхшигина уста бўлиб етишади.

Маҳмуд ака бошчилигидаги ганчкорларнинг республика Фанлар Академиясининг ядро физикаси институти клубини безашаётганини кўрдик. Йигирмага яқин йигит ҳавозалар устида туриб, шифтта жимжимадор гуллар туширишарди. Пастда Маҳмуд ака уларнинг ишини кузатиб, йўл-йўриқлар берарди. Хушрўй, хушмуомала йигитлар иноқлик билан ишлашар, бир-бирларининг ишига диққат қилишар, маслаҳатлашишар, ора-сира ўзаро ҳазил-мутониба қилиб қўйишарди. Толиқсанлари пастга тушиб, беш-ён минут нафасларини ростлашарди, қўшни хонада чинни пиёлаларга қўйиб қўйилган кўк чойдан хўплашарди. Лекин бу бошқа қурилишларда одат бўлган, ярим соатлаб давом этадиган «перекур» эмас. Маҳмуд ака чеккан, ичган кишиларни хуш кўрмайди. Шогирдлари устозининг бу одатини яхши билишади, унинг дилини ранжитмасликка ҳаракат қилишади. Уста шогирдларига ишдан кейинги бўш вақтларда ҳам кишини толиқтирадиган ишлар билан шуғулланмасликни тайинлайди. У жисмоний меҳнат билан ўтган иш кунидан кейин яхшидам олиш, мушакларга ором бериб, эртанги меҳнат кунига яхши куч тўплаш тарафдори. Оқшом оила аъзолари билан биргаликда шаҳримизнинг гўзал хиёбонларини сайр қилиш, завқ олиш, устанинг фикрича кишига ором бағишлиш билан бирга эртанги кунги меҳнатга яхши илҳом беради.

Кейинги олти-етти йил мобайнида ганчкорлар бригадаси турли шаҳарларда кўпгина бинокорлар колективлари билан ёнма-ён меҳнат қилдилар. Ҳамма жойда ҳам йигитлар ўзларининг ишга ҳалол муноса-

батлари, интизомлари, уюшқоқликлари билан кишиларни қойил қолдиришди.

1966 йилдаги Тошкент зилзиласидан бери ўтган даврда Маҳмуд Усмонов бошлиқ ганчкорлар 20 минг квадрат метрга якин ганч ўймакорлиги ишларини бажаришди. Устанинг қобилиятли шогирдларидан А. Самадов, З. Юсупов, М. Султонов, М. Усмонов, А. Султонов, А. Мухторов, М. Раҳмонов, Х. Абдуллаев, Х. Икромов, Х. Муродовларнинг нафис асарлари республика ва Иттиғоқ рассомларининг кўргазмаларида юқори баҳо олди. Кўпчилиги СССР Рассомлар союзи аъзолигига қабул қилиндилар.

Маҳмуд ака шогирдлари билан бирга республика комсомоли Марказий Комитети биноси, Лениннинг Марказий музейи филиали, «Зарафшон» ресторани, метронинг «Октябрь революцияси» станцияси каби объектларга ишлаган безаклар ганч ўймакорлиги санъатининг ривожланишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Буларда ўзбек ганч ўймакорлигининг минг йиллик анъаналари муваффақиятли давом эттирилиши билан бирга, улар замонавий мазмунга эга бўлди.

Ҳозир тошкентлик ганчкорлар сайқал берган биноларни Киев, Донецк, Сочи, Пенза, Воронеж каби шаҳарларда ҳам кўриш мумкин. Бу ўзбек миллӣ амалий санъати кўп миллатли мамлакатимиз халқлари ҳэтига чуқур сингиб, умумсовет мулкига айланиб қолаётганлигининг тимсолидир.

Қўли гул уста Маҳмуд Усмоновнинг ганч ўймакорлиги санъатини ривожлантиришдаги хизматларини партия ва ҳукумат юқори баҳолади. У СССР Давлат мукофоти, республика Ҳамза мукофоти, республика Ленин комсомоли мукофоти лауреатлари бўлди. Унга Ўзбекистон ССР халқ рассоми, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби унвонлари берилди. Меҳнат Қизил Байроқ ордени, медаллар билан тақдирланди.

Ўста кексайиб қолганига қарамай, ҳамон изланишда, янги орзулар оғушида. У шаҳар қурилишига амалий санъат намуналарини янада кенг жорий этилиши, биноларимиз фақат ички томонидан әмас, ташқи томонидан ҳам миллий колоритга эга бўлиши тарафдори. Маҳмуд ака республикамиизда алоҳида амалий санъат билим юрти ташкил этилишининг, ганч, ёгоч, мармар, мис ўймакорлигининг етук санъаткорлари шу билим юртида дарс бериб, қадимий санъатимизни ёш авлодларга ўргатишларини истайди.

Қадимда халқимизда «кулол мўндида сув ичар», «бўёзчи белбоқса ёлчимас» сингари нақллар бўлган. Бу нақллар дунёning қадимий маданият марказларидан бўлган Ўрта Осиёда илгари ҳунарманднинг иони ҳеч қачон бутун бўлмаганлигини, у қанчалик талантли, иқтидорли бўлмасин, хорлик-зорликда кун кечиришга маҳкум этилганлигини ифодаловчи далиллардир. Ўста Маҳмуд Усмонов мана шулар ҳақида ўйлаганида, ўзининг бахтили тақдирига шукроналар айтади, барча меҳнаткашлар қатори фан ва санъат кишиларининг ҳам эркин ижод қилиши, фаровон яшashi учун ҳамма шароитларни яратиб берган партия ва ҳукуматимизга минг адад ташаккур изҳор этади.

ЭГИЗ ТАҚДИРЛАР

Урушнинг дастлабки кунлариданоқ Кольчугиндаги кабель заводи мудофаа учун зарур маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтди. 1941 йилнинг октябринда эса шаҳарга душман яқинлашиб қолганлиги сабабли заводни Тошкентга эвакуация қилишга қарор қилинди. Тошкентни аъло даражада билган Алексей Николаевич Косигин Тошкент кабель заводига янги директор тайинлаш ҳақидаги бўйруққа қўйл қўяркан, Константин Федорович Сафоновга тўқимачилик комбинатининг тара фабрикаси биноларини эгаллашни маслаҳат берди.

Константин Федорович Тошкентда поезддан тушибши билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Усмон Юсупов қабулига шошилди. Лекин у тўрт соатгина кечикканди. Унгача У. Юсупов ҳузурида эвакуация қилинган «Ростсельмаш» заводининг директори бўлган, тара фабрикаси бинолари шу корхонага берилганди.

— Хотиржам бўлинг, Сизнинг заводингизга ҳам жой топамиз, бошқа зарур ёрдамларни ҳам берамиз,— деди Усмон Юсупов.— Ўзбекистон кабель заводига эга бўлишдан жуда манфаатдор.

Заводга жой топилди. Шаҳарнинг шимолий шарқидаги, собиқ Қорасув районининг партия XVII съездидан колхози территориясидаги «Заготзерно» базасининг олтита катта омбори завод учун бўшатиб берилди. Бу ерда шундай яқингинадан Салор оқарди, темир йўл, автомобиль йўли ҳам бор эди. Завод ишга тушиши билан Кольчугиндаги даражада маҳсулот ишлаб чиқаришни талаб қила бошлишди. Бу жуда оғир вазифа эди. Сабаби, Тошкентга Кольчугиндаги уч минг ишчидан энг сараси — атиги 240 нафари кўчичиб келган эди. Қолганлари фронтда жанг қилишаётганди. Тошкентда ҳам меҳнатга яроқли барча эркаклар фронтга жўнаб кетишаётганди. Лекин республика партия ва ҳукумати завод маъмуриятига барча зарур ёрдамни берди. Завод атрофидаги қишлоқларда яшовчи ўсмир йигитлар, қизлар, чол-кампирлар заводга жалб этилди. Тез вақт мобайнида ишчиларнинг миқдори мингтага етказилди.

«Тошкенткабель» заводидаги ўзбек ишчи сулолалари ҳақида ёзишни мақсад қилиб, корхона раҳбарлари билан сұхbatлашганимизда, улар бу ердаги ишчи сулолалари билан завод тарихи гўё бир медалнинг икки томони сингари эканлигини, уларни бир-биридан ажратиб кўрсатиш мумкин эмаслигини таъкидлашди. Бу фикр тамоман ўринли эди.

Бундан ўттиз беш-қирқ йил аввал колхознинг экин майдонлари бўлган ерда азамат корхона қад кўтарди. Йиллар ўтиши билан одамлар сингари завод ҳам ўсиб, камол топиб, республикамиз индустриси довругини оламга ёйди. Унда янгидан-янги цехлар, икки филиал қурилди. Уларда меҳнатни илмий ташкил этиш, ишлаб чиқариш маданиятини ривожлантириш учун барча имкониятлар бор.

«Тошкенткабель» заводида ҳозир беш мингдан ортиқ ишчи меҳнат қиласи. Уларнинг ярмидан кўпи маҳаллий миллат вакиллариридир. Корхонада ҳар йили 150 миллион сўмликтан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Қирқ процентдан ортиғи давлат Сифат белгиси билан тайёрланётган бу кабель буюмларини социалистик хамдўстлик мамлакатларидан ташқари АҚШ, ГФР, Италия, Франция каби ривожланган капиталистик мамлакатлар ҳам сотиб олаялти.

Урушдан кейинги йилларда заводнинг ёнгинасида мактабидан тортиб техникумигача, боғчасидан тортиб, поликлиника ва кинотеатригача бўлган сердараҳт, серфайз ишчилар посёлкаси қомат керди. Заводдаги деярли барча ишчи ва хизматчиларнинг оиласи шу посёлкада истиқомат қиласи. Корхонага ўттиз йилга яқин директорлик қилган Константин Фёдорович Сафонов 1941 йилнинг кеч кузидаги «Заготзерно» базасининг атрофи яйдоқ дала бўлган омборлари завод учун ажратиб берилганида жуда хурсанд бўлганди. Чунки бу ерда корхона ишлаб чиқаришини юксалтириш билан ишчи ва хизматчиларнинг тураг жой-маиший шароитини яхшилашни бир-бирига мувофиқ бўлишини таъминлаш учун майдон бор эди.

— Ишчи ва хизматчиларнинг яшаш жойи, болалари қатнайдиган боғча ва мактабларнинг иш жойига яқин бўлишининг корхонада меҳнат унумдорлигининг юқори бўлишида аҳамияти катта,— дейди Константин Фёдорович. — Шунинг учун ҳам биз дастлабки дамлар-

даноқ корхона яқинида ишчи посёлкаси барпо этишни ўйлай бошладик. Оғир пайтлар бўлишига қарамай, уруш бўсилиши билан ҳашар йўли билан юзта уй қурдик. Ишчиларга участка майдонлари ажратиб берилди, пулдан, қурилиш материалларидан ёрдам кўрсатилди. Мана шундай қилиб, ота-буvasи деҳқон ўтган ўзбек йигит ва қизлари азamat корхонанинг азamat ишчилари сафидан ўрин олишига шароит яратилди.

Константин Федорович заводга атрофдаги қишлоқлардан дастлаб ишга келган ёшларни яхши эслайди. Етмиш нафар ўзбек қизи симга қалава ўраш цехида ишлай бошлаганида, дастлаб станокларга тегинишдан ҳам қўрқишганди. Шунда Анна Шенникова бошлиқ бир группа рус ишчи аёллари уларга станокларни бошқаришни ўргатишиди.

Ўғил болалар эса шлангли кабеллар, резина тайёрлаш, сим тортиш цехларида меҳнат қила бошлашди. Иллар ўтган сайин корхонада маҳаллий миллат вакиллари кўпайиб, ўзбек ишчи сулолалари пайдо бўла бешлади. Булар срасида айниқса ишчи Розиқовлар сулоласининг тақдирни диққатга сазовордир. Келинг, бу ҳақда батафсил ҳикоя қилиб бера қолайлик.

Эгамберди бува деҳқон ўтган одам эди. Унинг ўғиллари Холиқжон билан Розиқжон ҳам умр бўйи ота касбнни қилишди. Бири фронтдан оғир бетоб бўлиб келиб, иккинчиси ўз ажали билан урушдан кейин ҳаётдан кўз юмишди. Аммо бу кишиларнинг фарзандларининг тақдирни бошқача бўлди. 1942 йилда Ҳусанбой Холиқов, кейинроқ Жалил Розиқов «Тошкенткабель» заводига ишчи бўлиб киришди. Ўшанда улар 13—14 ёшли болалар эдилар. Станокка бўйлари етмасди. Шунинг учун оёқлари остига яшик қўйиб ишлашарди.

Кольчугиндан келган тажрибали рус ишчилари уларга устозлик қилишди. Ёшлар дастлаб симларга қўрғошин қоплашни, прессловчиликни ўрганишди, кейин бошқа касбларни эгаллашди. Бир-бир яrim йил-

да қарабсизки, кече күчада тупроқ чангитиб юрган дәхқон болалари устаси фаданг кабелчи бўлиб олишди.

Коллектив асосан ҳарбий-дала кабеллари тайёрларди. Ҳарбий қисмлар орасида телефон алоқасини таъминловчи бу кабелларга эҳтиёж катта эди. Ҳар куни Москвадан Тошкентга қўнгириқ қилиб: «Бугун неча самолёт кабель жўнатдингиз?» деб сўраганлари сўраган эди. Агар уч самолёт кабель юборилган бўлса мақташарди. Телефон симларига эҳтиёж зўрлигидан уни худди қурол-аслаҳа, нон сингари фронтга самолётда ташишарди.

Заводда эса иш кечаси-ю кундузи давом этар, ишчилар ўн саккиз соатлаб ишлашарди. Бир ишчининг бир кунлик овқат «пайоги» эса 400 грамм нон эди.. Аммо одамлар ҳамма қийинчиликларга чиқдашар, кунлик нормасини 150 процентдан оширмаган одам кам бўларди. Ҳамма зўр бериб меҳнат қилингандагина галабага эришиш мумкинлигини, бу машаққатларнинг нашу-намоси ҳам борлигини яхши биларди.

Уруш тугагач Ҳусанбой билан Жалилни аввал мастер, кейин катта мастер лавозимига кўтаришди. 1948 йилда Ҳусанбой, кейинроқ Жалил уйланди. Бири шу заводда хизматчи бўлиб ишлайдиган Сабиҳа исмли қизни, иккинчиси 38-цехда обмоткачи бўлиб ишлайдиган Муҳаббат исмли қизни ўзларига умр йўлдоши қилиб танлашди. Иккала тўйнинг ҳам асосий харажатини завод маъмурияти кўтарди.

Урушдан кейин Жалилнинг фронтдан қайтган акаси Жамол, Ҳусанбойнинг акаси Мирвали, укаси Тоир, уларнинг хотинлари ҳам заводга кириб ишлай бошлишади.

60-йилларга келиб бу кишиларнинг ўғил ва қизлари бўй етди. Шунда болалар ҳам ҳеч иккиланмай ота-оналари йўлини танлашди. Ҳозир улар заводнинг турли цехларида самараали меҳнат қилиб, коллектив ўнинчи беш йилликда зиммасига олган катта вазифа-

ларнинг муваффақиятли бажарилишига муносиб ҳисса қўшишяпти. Эгамберди буванинг «Тошкенткабель» заводида меҳнат қилаётган невара-чеваралари йигирмага яқин. Уларнинг заводдаги умумий меҳнат стажи 300 йилдан ортади. Бу кишилар йирик саноат корхонасининг техника маданиятини пухта эгаллаган, мураккаб агрегатларни маҳорат билан бошқараётган, ўз вазифасига ижодий ёндашадиган илғор ишчилари дир. Жамиятимизнинг қонунларига ҳурмат, кўп миллатли, қудратли социалистик Ватанимиз билан чексиз фахрланиш туйгулари уларнинг қон-қонига сингиб кетган.

Жалил Розиқов 1944 йилда заводга келганида ўзидан тўрт-беш ёшгина катта бўлган Владимир Клюшкинга шогирд бўлиб иши болаганди. Укувли йигит қисқа вақт мобайнида кабелчилик сирларини пухта эгаллаб, устози билан беллаша оладиган даражага етди. Устоз ва шогирд 1954 йилда Киевдаги кабель заводига бориб, кабель буюмларини узлуксиз вулканизация қиласидиган агрегатни бошқаришни ўрганиб келишди. Кейин бу агрегатни ўз заводларида ҳам ишга тушириб, иккиси ҳам бригадага бошчилик қила бошлишди.

1956 йилда Владимир соглиғи яхши эмаслиги сабабли врачларнинг маслаҳати билан Москвага бориб, шуердаги кабель заводида ишлай бошлади. 1966 йил 8 августанда эса СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан Москва кабель заводининг мастериси Владимир Клюшкин билан «Тошкенткабель» заводининг мастериси Жалил Розиқовга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. Икки ҳамкасб бир-бирлари билан дўстлик алоқаларини ҳамон давом эттиришаяпти. Владимир Клюшкин Тошкентга, Жалил aka эса Москвага меҳмон бўлиб бориб туришади.

Жалил Розиқов оиласидан тўрт киши — ўзи, хотини, икки ўғли таҳдирларини «Тошкенткабель» заводи

билин мустаҳкам боғлашди. Бу оила аъзоларининг меҳнатидан колектив миннатдор. Жалил ака мана ўн еттийилдирки, оғир шлангли кабеллар цехида катта мастер бўлиб ишлайпти. Бу цех корхона ишлаб чиқарининг энг масъулиятли участкаларидан саналади. Цехда тайёрлананаётган кабелларга халқ хўжалигида эҳтиёж катта. Шу сабабли коллектив юксак суръатлар билан ишлаб, ойлик, йиллик топшириқларини ҳамиша ортиги билан бажаряпти.

Заводнинг ишчилар посёлкасидаги кўркам кўчалардан биридаги ҳамма уйларни Эгамберди буванинг невара-чеваралари эгаллашган. Уларнинг ҳаммаси тўқ, фаровон турмуш кечириниятни. Уйлар водопровод, газ, электр нури билан таъминланган. Ҳар бир оиласда холодильникдан тортиб, телевизор, радиоприёмник, кир ювиш машиналаригача бор. Ҳовлиларнинг салқинлиги, саранжом-саришталиги эътиборингизни тортади...

Эгамберди буванинг «Тошкенткабель» заводида унпб-ўсган авлодини азамат чинорга ўхшатгим келади. Бу чинорнинг ҳар бир шохи, ҳар бир бутогининг ўз ҳусни, латофати бор. Уларга ҳозир ҳамма ҳавас билан қарайди.

КЕНЖА ШОГИРД

Зуҳриддин отасининг бош ўғли. Шуининг учунми, Нуридин ака ўғлининг ўқимишли киши бўлишини жуда-жуда истарди. Аксига олиб, боласи тушмагур ўқишига камҳафсалароқ чиқиб қолди. Муаллимлари: «Зуҳриддин ўқишига уқувли-ку, қунти кам» дейишарди. Ҳақиқатда у шўх, ўйинқароқ эди. Отаси неча марта уришди, койиди, ёнига ўтқизиб ётиғи билан насиҳат қилдиям бўлмади. Охири ўғли саккизинчи синфни битирганида: «Кел энди, Зуҳриддинжон, муаллим-

ларингни ҳам, ўзингни ҳам қийнама, биз ҳам уялмайлик, ўқиши қўйиб, ишлайқол» деди. Ўглига бу гап мойдай ёқди. У ўзини машаққатдан қутилиб, янги, ажойиб мўъжизалар оламига қадам қўяётган одамдай ҳис қилди.

1966 йилнинг ёзидан бошлаб Зуҳриддин отаси машинист бўлиб ишлайдиган Тошкент тепловоз депосида слесарга шогирд бўлиб ишлай бошлади. Нуриддин aka ўғлининг ўқишига қунт қилмаганидан ранжиб юрган кезлари кутилмаганда болада кескин ўзгариш юз берди.

1 сентябрь куни эрталаб Зуҳриддин одатдагидай ишга отланди. Ташқарига чиққанида мактаб формасини кийган, қўлларида гулдасталар тутган тенгқур ўртоқлари, қуи синфларда ўқийдиган болакайлар катта кўчани тўлғизиб, шод-хуррам мактабга боришарди. Улар Зуҳриддиннинг ёнидан худди бегоналардай жўнгина саломлашиб ўтиб кетишарди. Унга кечагина бирга ўйнаб, бирга кулган ўртоқларининг бу кунги беларвониги ёмон таъсир қилди. Зуҳриддин «нима қилибди, сиз ҳали ўқувчи бўлсангиз, мен — ишчиман, эрта-индин слесарь бўламан, сиз билмаган нарсани биламан» деб, гуурланиб қўйди. Лекин шундай бўлса ҳам у шу тонг нима учундир яна ўртоқлари билан бирга бўлишни, кимдир унинг мактабга бошлишини жудажуда истади. Бу истакнинг амалга ошмагани эса, ёш йигитни ўкситди. У ўзини ёлгиз, қатордан ортда қолган, лаванг бир одамдай ҳис этди. Юракни эзувчи бундай туйгуни Зуҳриддин ҳаётида биринчи бор ҳис этиши эди.

Кун бўйи ишининг мазаси бўлмади. Кечқурун уйга қайтганида отасига:

— Ўқишимни давом эттироқчиман,— деди.

Нуриддин aka учун бу кутилмаган гап эди. У ўглига ҳайрон бўлиб тикилиб қолди.

— Ўқиши ёмон кўрардинг-ку.

— Йўқ, ёмон кўрмайман. Қандай бўлмасин ўқийман, ўртоқларимдан ортда қолишни истамайман.

— Уч ойдан бери ишлаётган бўлсанг, ўқиши ташлаб кетганингни ҳамма билса, энди яна қайси юз билан муаллимларинг олдига борасан?

— Эски мактабимга бормайман, кечки ишчи-ёшлар мактабига бораман. Ҳам ишлаб, ҳам ўқийман.

Ўглининг бу мақсади Нуриддин акани қувонтириб юборди. Лекин у қувончини сиртига чиқармади. Аксинча ўғлини яна ҳам қизиқтириш учун, унга ишонмагандек қилиб кўрсатди ўзини.

— Илгари битта ўқишининг ўзини ёлчитмагандинг. Энди ҳам иш, ҳам ўқишини қандай эпларкансан? — деди. Кетидан яна қўшимча қолди.— Яна ўзинг биласан, ўглим. Бўйинг бўйим билан, ақлинг ақлим билан тенг бўлиб қолди. Энди сенга ҳар нарса деявериш мен учун ноқулай. Менга қолса охири одамлар олдида ер чизиб қолмасанг бўлгани.

Шундай қилиб Зухриддин кундузи ишлаб, кечқурун ишчи ёшлар мактабида ўқишини давом эттира бошлади. Энди унинг ўқишига ҳам, ишга ҳам муносабати ўзгарди. У мактабда яхши баҳолар билан ўқий бошлади. Ишда ҳам ҳаракатчан бўлиб қолди. Тез вақт ичida ёрдамчи слесарликдан слесарликка ўтди. Кейинроқ токарлик касбини эгаллади.

Ўғлидаги ишга, ўқишига нисбатан кескин ўзгаришни даставвал Нуриддин aka пайқади. Унинг қизиқувчан, ҳаракатчалигидан беҳад хурсанд бўлди. «Йигит кишига етмиш ҳунар оз» деганларидек, у энди ўғлига ўз касбини ўргатишни ният қилиб қўйди. «Нима қилипти, машинистлик ёмон касб бўлибдими? — деярди ўзича Нуриддин aka бу ҳақда ўйлаганда.— Бутун умримни шу касбга бағишладим. Бирдан аввал, бирдан кейин бўлиб турмуш кечиряпман. Эл-юрт, маҳалла-кўйдаги обрў-эътиборим эса ҳамма ҳавас қилса арзигудай».

Нуриддин aka ўрта мактабни урушгача битирганди.

Кейин ўқиши давом эттириш имкони бўлмади. Сал вақт ўтмай немис-фашист босқинчилари мамлакатимизга хиёнаткорона бостириб кирди. Ватанимизнинг миллионлаб эр-азамат йигитлари қатори Ватаан ҳимоясига отланди. Урушдан қайтгач Тошкент тепловоз депосига машинист ёрдамчиси бўлиб ишга кирди. 1950 йилдан эса мустақил равишда юк поездини бошқара бошлади.

Темирийўлчилар юк поездларини бошқариш пассажир поездларини бошқаришга нисбатан оғир эканлигини билишади. Пассажир поезди қатъий жадвал асосида юради. Унда поезднинг қачон йўлга чиқиши ва қачон қайтиши минут-минутигача белгиланган бўлади. Юк поездларида эса ундан эмас. Унда машинист манзилидан қачон чиқиб кетишини билади-ю, лекин қачон қайтиб келишини билмайди. Юк поездни машинистига кечаси ҳам, кундузи ҳам, қор-ёмғирли, туманли шароитларда ҳам йўлда бўлишга, дала-даштлардаги станцияларда пассажир поездларининг ўтиб кетишини, юк ортилишини кутиб соатлаб туришга тўғри келади. Шу боисдан ҳам юк поездларини ўн-ўн беш йил бошқариш машинистлар учун катта матонат саналади. Нуридин ака Тошкент тепловоз депосида йигирма беш йил юк поездини бошқарди. Унинг пўлат магистралларда босиб ўтган йўли ер куррасини минг марталаб айланиб чиқиш билан баравар десак муболага қилмаган бўламиз. Чорак асрлик меҳнати мобайнида моҳир машинист ўнлаб шогирдлар тарбиялади. Улар ҳозир Ўрта Осиё темирийўл магистралларида сўнгги маркалардаги тепловозларни муваффақиятли бошқаряптилар. Шулардан энг кенжаси ўғли Зухриддин Абдусаматовдир.

* * *

Зухриддин кечки ишчи-ёшлар мактабини муваффақиятли тамомлаб, яна бир йилча ишлагач, ҳарбий хизматга кетди. 1971 йилда армия сафидан қайтиб,

отаси ёнида машинист ёрдамчиси бўлиб ишлай бошлиди. Ишдан ажралмаган ҳолда икки йиллик машинистлик курсини битирди. 1975 йилнинг 15 май куни эса ота-бала учун унутилмас бўлиб қолди.

Шу кун Тошкент темирйўл вокзалига Тошкент тепловоз депосининг раҳбарлари, партия, комсомол, қасаба союз ташкилотлари вакиллари, ота-бала машинистларнинг ҳамкасб дўстлари, қариндош-уруглари байрамдагидек ясаниб келишиди. Улар бу ерга анъанага биноан Нуридин акани темир йўлдаги энг сўнгги хизмат бурчини бажариб қайтаётганлиги билан табриклигани тўпланишганди. Кундузи соат тўртларда вокзал радиоси кекса машинист бошқарган поезд шаҳарга кириб келаётганлигини маълум қилди. Нуридин аканинг таржимаи ҳоли ўқиб эшиттирилди, Улуг Ватан урушидаги жасоратлари, Тошкент тепловоз депосидаги хизматлари алоҳида қайд этилди.

Поезд перонга карнай-сурнай садолари остида кириб келди. Ёр-биродарлари Нуридин акани қучоқ очиб кутиб олишди, унга гулдасталар тақдим қилишиди. Шу ернинг ўзида кичкина митинг бўлиб, ҳамкаслари кекса машинистнинг темир йўлдаги кўп йиллик ҳалол меҳнати ҳақида илиқ гаплар айтишиди. Депо раҳбарлари машинистга колектив номидан эсадалик совгалиари топширишиди. Унинг узоқ вақт соғ-саломат бўлиб, меҳнат гаштини суриб юришига тилақдош бўлишиди. Митинг охирида Зухриддин отасидан тепловозни қабул қилиб олиб, карнай-сурнай садолари, дўстларининг олқиши остида биринчи бор мустақил сафарга жўнади.

Шундан бери Нуридин ака пенсияда қариллик гаштини суриб юрибди. Зухриддин эса отаси минган тепловозни маҳорат билан бошқаряпти.

Маълумки, машинистлик темир йўлдаги энг оғир ва масъулиятли касб саналади. У туну-кун йўл юриб, минглаб тонна юкни, юзлаб одамларни олис манзил-

ларга элтади. Поездни бошқарганда озгина әхтиётсизлик, мудраб қолиш жуда ёмон кўнгилсиз воқеаларга сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам машинист олдинроқ ўзини ишга тайёрлаши, бемаврид ичкилик ичишдан ўзини тийиши, ҳамиша хизмат бурчини унутмаслиги керак. Зуҳриддин бу фазилатларни меҳрибон отасидан ўрганди.

1977 йилда Ўрта Осиё магистралининг бир группа машинистлари ҳамкасларига мурожаат қилиб, темир йўлда тежамкорлик ҳаракатини кучайтириш, ўнинчи беш йилликнинг ҳар бир йилида сўнгги ойда тепловозни тежалган ёнилғи билан юргизиш ташаббуси билан чиқишиди. Бу ташаббускорлар орасида ёш машинист Зуҳриддин Абдусаматов ҳам бор. У ҳар йили ўн уч-ўн тўрт минг килограмм ёнилғи тежаяпти. Бу тежалган ёнилғи билан бир поездни бир ой бошқариш мумкин. Фақат шугина эмас. З. Н. Абдусаматов ўзидан тажрибасиз машинистлар билан поезд бошқариш маҳоратини бажонидил баҳам кўрмоқда. У кейинги икки-уч йил мобайнида А. Ҳамидов, А. Абдуқодиров, А. Резниченко каби ҳамкасб дўйстлари билан биргаликда ишлашиб, уларнинг яхши машинистлар сафига қўшилишларига кўмаклашди.

Бу воқеа 1977 йилнинг ёзида бўлганди. Колонна бошлиги Пўлат Рўзиев машинистларнинг умумий йигилишида июнь ойи иш якуни ҳақида гапириб, машинист Анвар Ҳамидовни танқид қилди. Анвар Зуҳриддиннинг тенқур дўсти, машинистлик курсида бирга ўқишган, Жалолобод темирйўл станциясида тўрт ой ишлаб чиқариш практикасида ҳам бирга бўлишган. У тепловозни мустақил бошқариш ҳуқуқига Зуҳриддиндан кейинроқ эга бўлди. Лекин ҳа деганда иши юришиб кетавермади: у деярли ҳар гал сафардан кайтганида колонна раҳбарлари тепловозининг тезлик ўлчагич лентасига шаблон қўйиб кўриб, йўл ҳарака-

тида нуқсонга йўл қўйилганлигини аниқлашарди. Бу ҳам етмагандай, Анвар ёнилгини ортиқча сарфларди.

— Бўлди, ошна, энди! — деди Пўлат Ғафурович мажлисда тутоқиб. — Икки йилдан бери сабр қилиб келаяпмиз, иззатинг битди. Агар бундан буён ҳам ишни шундай давом этказсанг, ўзингдан кўр. Тикка депо бошлиғи олдига бошлаб бораманда, машинистликдан олиш масаласини қўяман. Депо бошлиғи олдидага ошнанг ёнида туриб сен ҳам жавоб берасан, ҳа!... — Колона бошлиғи Зуҳриддинга қўлини бигиз қилди... — Чунки сен коммунистсан. Дўстинг ишни расво қилса бефарқ юришга ҳаққинг йўқ. Дўстингга шу пайтда ёрдам қўлини чўзмасанг, қай пайтда чўзасан?...

Дарвоқе, Зуҳриддин ўзи билан ўзи овора бўлибди-ю дўстини ўйламабди. Бўш вақтларида Анвар билан бирга сафарга чиқиши, отасидан ўрганган, ўзи орттирган тажрибаларни дўстига ўргатиши мумкин эди-ку. Нега шундай қилмади? Наҳотки одам қилган ишни одам қилолмаса?

Мажлисда Анвар ишини яхшилашга, Зуҳриддин эса дўстига албатта ёрдамлашишга сўз беришди. Шундан кейин Зуҳриддин ора-сира бўш вақт топиб дўсти билан сафарга чиқа бошлади. Кўп ўтмай Анварнинг ишида ҳам ўзгариш сезилди. Поездни тўғри бошқариб, ой сайин 450—500 килограмм ёнилгини иқтисод қила бошлади.

— Поездни бошқаришда, ёнилғи иқтисод қилишда юксак натижаларга қандай эришайапсиз?

Бу саволимизга Зуҳриддин шундай жавоб берди:

— Бизнинг касбимизда аввало яхши назарий тайёргарликка эга бўлиш керак. Шундагина киши тепловозни яхши бошқаради, кўплаб ёнилғи тежайди. Бундан ташқари, машинист йўлнинг паст-баландини, маршрутдаги поездларнинг ҳаракат жадвалини яхши ўрганган бўлса, қиялик жойларда поезднинг инерциясидан самарали фойдаланиб, ёнилғи сарфини камайти-

риб, тепаликка кўтариладиган жойларда эса тўғри разгон олишга эришади. Тепловознинг ремонт сифати ва техник қарови кўнгилдагидек бўлишига ҳам кўп нарса боғлиқ. Тепловоз ёнилғи аппаратлари ва агрегатларининг тўғри ва аниқ регулировка қилиниши фақат ёнилгини тежашдагина эмас, балки поездларнинг графигига риоя қилиш, белгиланган тезликни сақлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Зуҳриддин бу талабларнинг ҳаммасига қатъий амал қиласди. Мунтазам равишда самарали, сифатли меҳнат қилишни ўз бурчи деб билади.

Автомобиль ҳаракатида сигналга риоя қилмаслик оддий тартиббузарлик саналади. Темир йўлда эса сигналга амал қилмаслик давлат олдида жиноят саналади. Шу боисдан ҳам машинистнинг иш сифати аввало сигналга қай даражада риоя қилиши билан белгиланади. Поезднинг йўлда бузилиб қолиши, стрелкани қирқиб ўтиш машинист меҳнатининг браклиги саналади. Зуҳриддин мустақил тепловоз бошқараётганидан бери атиги бир марта жиддий бракка йўл қўйди. Бу воқеа Шумилов-Салор перегонида бўлганди. Елдек учиб келаётган состав бирдан секинлаб, тўхтаб қолди. Нуқсон нимадалигини дарҳол аниқлашнинг ҳеч имкони бўлмади. Бутун схемани бошдан оёқ текшириб чиқишига тўғри келди. Бу орада уч соатча вақт ўтди, орқадан икки состав келиб кутиб қолди. Зуҳриддин ҳам уядан, ҳам чарчаганидан қизарип, терлаб-пишиб кетди. Охири нуқсон аниқланди: 160 амперли бошқарув пеredoхранители куйган экан. У алмаштирилгач, тепловоз яна юриб кетди. Бу айби учун депода Зуҳриддинни ортиқча койишмади. Ёшлигини, ҳали етарли тажрибага эга эмаслигини эътиборга олишиб.

Албатта, йўлда тепловознинг у ер-бу ери бузилиб туриши оддий воқеа ҳисобланади. Ҳамма гап мана шу нуқсонни зудлик билан аниқлаб, бартараф қилишда, поездлар ҳаракати жадвалининг бузилиб кетишига йўл

қўймасликда. Мана шунинг учун ҳам Шумилов-Салор перегонидаги воқеа Зуҳриддин учун унutilmas сабоқ бўлди. У тепловоз конструкцияси ва уни бошқаришга дахлдор техник адабиётни қайтадан синчиклаб ўрганишини мунтазам давом эттиришни ўзига одат қилиди.

* * *

1958 йилда Тошкент шаҳридаги 12-ўрта мактабнинг биринчи синфига ўқишига кириб, ўн йил бирга ўқиган йигит ва қизлар анъянага биноан ҳар йили учрашиб туришади. Бу ёшлар ҳозир оиласи, бола-чақали, ҳалқ хўжалигининг турли соҳаларида турли вазифаларда ишлашадп. Улар орасида ҳамнша хушсурат, қувноқ йигит Зуҳриддин Абдусаматов ҳам бўлади. Синфдошлари ҳар гал тўпланиб, ўқувчилик пайтлари ҳақида гурунглашганда инсон тақдирининг мураккаблиги, бизнинг жамиятда киши ўз қадр-қиммати, обрўйи учун курашса, бу йўлда тинмай ўқиса, меҳнат қиласа, уни нурли истиқбол кутиши ҳақида ўйлашади. Мана, Зуҳриддинни олайлик. Ким ўйлабди, у вақти келиб депонинг пешқадам машинистлардан бирига айланади, коммунистик партия сафига ўтади, илгор тажриба мактабида ўзидан ёши улуғ ҳамкасларига тажрибаларини гапириб беради деб...

Зуҳриддин оғир юкли поездларни олис манзилларга томон елдай учириб бораётгандага иўлат магистралнинг ёйдек қайрилма жойларида тепловоздан бошини чиқариб, ортига қарашни, қарийб бир чақиримга чўзилиб кетадиган вагонлар карвонига завқ-шавқ билан тикилишни яхши кўради. Шунда кечагина ерга урса, кўкка сакраб юрган болага бугун Ватани мана шундай улкан техникани ишониб топшириб қўйганлигидан ҳайратланди. Ўзининг бепоён, улуг мамлакатининг баҳтили фарзандларидан бири эканлигидан суюнади.

МИНГЛАРНИНГ УСТОЗИ

Ўшанда 1955 йил эди, Рихситилла ака Тошкентнинг Богдан Хмельницкий кўчасидаги собиқ 24-фабрика-завод таълими мактабида директорлик қиласарди. Кунларнинг бирида унинг ҳузурига бир киши ўн олти-ўн етти ёшлар чамасидаги йигитчани етаклаб кириб келди. Салом-алик қилгач, ўзини танишитирди:

— Исимм Расулжон, арпапсялиман. Икки қизим, Аҳмаджон исмли мана шу ўғлим бор.— Расулжон ака ёнидаги болани имлаб кўрсатди.— Шу десангиз, Аҳмаджон полвон бўлгани билан шўхроқ, ўқишига тоби йўқроқ чиқди. Сизни сиртдан танийман, Рихситилла-жон. Сизнинг ҳақингизда одамлардан кўп яхши гаплар эшитганман. Болаларни тўғри йўлга солишга жуда устамишсиз. Йўқ демасангиз, Аҳмаджон қўлингизда касб ўрганса, деган ниятим бор. Эскичасига йўл тутсангиз, урсангиз, сўксангиз ҳам майли. Эти сизники, устихони бизники, ишқилиб...

Бу гапдан Рихситилла аканинг кулгиси қистади. Ўзини базур босиб:

— Бизнинг болаларни урадиган ҳам, сўқадиган ҳам одатимиз йўқ, Расулжон ака. Қолаверса, шундай полвон, келнинган йигитчанинг бирон-бир ножӯя иш қилишига ишонмайман ҳам.

Рихситилла аканинг гапи қизариб-бўзариб ўтирган Аҳмаджонга мойдай ёқди. Рўпарасидаги киши кўзига ажойиб кўриниб кетди. Расулжон ака тўсатдан айтган гапидан хийла хижолат бўлиб ютинди:

— Энди, гапнинг сирасини айтганда, ўғлим вояга етиб, одамлар хизматида бўлса дейман-да...

— Мен ер сузиб юрадиган писмиқ боладан шўх бола аъло деб биламан. Наинки, шўх боланинг юрагида ўти бўлади.. Биз ҳам ёшликлда шўх бўлганмиз. Қани, Аҳмаджон, айтчи, қайси ҳунар ёқади сенга: слесарликми, фишт терадиган уста бўлишми ёки сувоқчиликми?

— Ғишт теришга ўқиганим маъқулроқ, кўзим анча пишган. Бултур тогам уй қурганида устага ўн беш кун ғишт олиб беришганман.

— Балли, қўарканмизда ҳали қандай усталигингни.

Шундай қилиб, Аҳмаджон Расулов 24-фабрика-завод таълими мактабининг талабаси бўлди. Йигитчада жисмоний меҳнатга иштиёқ зўр эди. Бир йилда танланган касбини дурустгина ўрганиб олди. З-разрядли ғишт терувчи дипломига эга бўлгач, Тошкентдаги қурилиш ташкилотларидан бирида ишлай бошлади.

Орадан уч-тўрт йил ўтгач Расулжон ака билим юрти колективнни тўйга айтиб келди. Аҳмаджон қурилишда ишлаб, қисқа вақтда пешқадам бинокорлар сафидан ўрин олибди, Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланибди. Шундан кейин кўрсангиз, Расулжон ака хотини билан бамаслаҳат, ўгилларини уйлантириб қўйиш ҳаракатига тушишибди, қидириб-қидириб ақлли, чиройли келин тошишибди. Шанба кун тўй экан...

1966 йилдаги зилзиладан кейин партия ва ҳукумат Ўзбекистон пойтахтини тубдан қайта қуриш, янги Тошкентни бунёд этиш вазифасини қўйди. Шаҳар улкан қурилиш майдонига айланди. Айни вақтда Тошкентда малакали қурувчи кадрларга эҳтиёж ҳам кескин ортиб кетди. 1967 йилда Чилонзорда республика Давлат ҳунар-техника таълими комитетининг «Главташкентстрой» базасида сувоқчи, дурадгор, бўёқчи, ганч ўймакор усталар, электротаза пайвандчилар тайёрлайдиган таянч-намуна ҳунар-техника билим юрти учун майдон ажратилди. Еу билим юртига Рихситилла Хусанов директор этиб тайинланди.

Зилзиладан кейинги ўша оғир дамларда Тошкентда асосий эътибор турар жой қурилишига қаратилган, маданий-маиший, маъмурӣ обьектлар қурилиши иккинчи планда турарди. Шунинг учун ҳам лойиҳа-смета ҳужжатлари тасдиқланган, маблаг ажратилган бўли-

шига қарамай 63-билим юрти қурилиши учун зарур бўлган ишчи кучини, қурилиш материалларини «уришиб-талашиб» ундиришга тўгри келарди. 400 ўринли 1-ётоқхона икки йилда «Главташкентстрой» қурувчилари кучи билан зўр-базўр битказилди. Ҳали яна 400 ўринли 2-ётоқҳонани, устахоналар комплексини, майший блокни, ўқув корпусини қуриш керак. Иш шу суръат билан давом этса билим юрти ҳали-бери битиши амри маҳол.

Шунда Рихситилла Ҳусанович республика Давлат ҳунар-техника таълими комитети раҳбарлари олдига билим юртига ўқувчилар қабул қилиш лозим, деган таклифни қўйди.

— Жой бўлмаса, ўқув машғулотларини қаерда ўтказасиз?

— Ётоқхонанинг ўзида ўқитаверамиз. Xоналарнинг бир қисмининг ўрталиқ деворларини олиб ташлаб синфга айлантирса бўлади. Ўқувчилар шу ерда ўқиб, билим юрти қурилишида практика ўtkазишади. Менга яхши ишлаб чиқариш таълими мастерларидан ўн-ўн беш нафарини топиб берсанглар кифоя...

Бу таклифга раҳбарлар кўнишди. Шу йили билим юртига 400 ўқувчи қабул қилинди. Уларнинг ўқиши ҳам, практикаси ҳам бир жойда бўлди. Қурилиш суръатида бурилиш ясалди. 1969 йилда билим юрти батамом битказилди. Йиллар ўтган сайнин ўқувчилар сони ҳам орта бориб, 1970 йилда 1000 тага, 1971 йилда 1057 тага, 1972 йилда 1319 тага етди. Ҳозир эса билим юртида 1800 ўқувчи таълим оляпти. 1970 йилдан бу ерда республикадаги қурувчи кадрлар тайёрлайдиган билим юртлари орасида биринчи бўлиб талабаларга ўрта маълумот беришга ўтилди.

...1975 йилнинг август ойи эди. Рихситилла Ҳусанов ҳузурига арпапоялик Расулжон aka яна бир ўн тўртён беш ёшлар чамасидаги болани етаклаб келди.

— Отасини тарбиялагандингиз, энди боласини ҳам тарбияланг, деб келдим. Бу йил саккизинчи синфни битирди.— Расулжон ота неварасига юзланди.— Бу одам ҳам буванг бўлади, отангга таълим берган, ҳунар ўргатган. Сен ҳам шу одамга ўхшаб юргин, деб исмингни Рихсибой қўйганман...

Рихсибой 63-билим юртининг сувоқчилик бўлимига кириб ўқиди. Қўлига етуклик аттестати ва учинчи разрядли сувоқчи дипломини олгач, 153-қурилиш трестининг 14-қурилиш бошқармасида ишлай бошлади. Рихситилла ака ора-сира ундан хабар олиб турди.

Рихсибой ишлай бошлаганидан кейин орадан бир ой ўтгач, Расулжон ота яна Рихситилла аканинг ҳузурига келиб, икки рўмолчага алоҳида-алоҳида ўралган пулни столга қўйди:

— Бу пулларнинг бири 100 сўм, иккинчиси 115 сўм. Биринчисини неварам икки ҳафта бурун, иккинчисини кечакелтириб берди. Дастроб пул олиб келганда бувиси қўйшиларимизга: «Неварамиз ўн беш кун ишлаб юз сўм топиб келди», деган экан, баъзи аёллар: «Ҳеч замонда кечагина иш бошлаган бола ўн беш кунда 100 сўм топармишми? Неварангиз қимор-пимор ўйнаб ютиб олгандир, суриштириш керак» дейишибди. Кечакяна юз ўн беш сўм олиб келганида ўзим ҳам шубҳаланиб қолдим. Бир бориб Рихситилладан тайинни билиб келай, яна неварамнинг ёмонларга қўшилиб кетгани рост бўлмасин дедим.

Чолнинг гапини эшишиб Рихситилла ака кулди.

— Кўнглингизни тўқ қилинг, ота, Рихсибой яхши бола. Уни уч кун бурун Халқлар дўстлиги кўчаси яқинида ишлаётганини кўрдим. Олдимга келиб салом-алик қилди, Сизни сўрадим...

Бу гап чолни қаноатлантириди. Лекин Рихситилла ака ўз гапидан ўзи қаноатланмади.

— Қани юринг, ота, неварангиз ишлаётган жойга олиб бораман.

Енгил автомобилда Рихсибай ишлаётган объектга боришиди. Участка прорабидан боланинг ҳандай ишлаётганлигини сўрашганди, у «Қани энди ҳамма қуувчилар Расуловдай интизомли, гайратли бўлса, участкамиз бошқармадагина эмас, трестда пешқадам бўларди», деб чолнинг кўнглини кўтарди.

Шундан кейин бошқарма бухгалтериясига боришиди. Бурни учидаги кўзойнаги устидан қарайдиган бухгалтер Рихсибай бир ойда 238 сўм 50 тийин иш ҳақи топганилиги, шундан 23 сўм 50 тийинни даромад ва бўйдоқлик солиги сифатида ушлаб қолиниб, қўлига 215 сўм берилганлигини ипга маржон тизгандай қилиб тушунтиргач, чолга ҳазиллашибди: «Неварани тезроқ уйлантиринг, отахон, тўй ошини есак солигини ҳам камайтирамиз». Расулжон ота димоги чоғ бўлиб кампири ҳузурига шошилди.

Биз Рихстилла Ҳусановнинг ҳунар-техника таълими соҳасидаги мураббийлик фаолиятидан бир лавҳа ҳикоя қилдик, холос. У аслида қариёб қирқ йиллик тарбиячилик фаолиятида Рихсибай Расулов сингари ота-онасини ҳам, әл-юртни ҳам рози қилган ишчи кадрлардан минглаб тарбиялади. Булар орасида Социалистик Мехнат Қаҳрамонлари Холхўжа Баҳодиров, Ҳамил Қорабоев, Ленин ордени кавалери М. Чориев, Ленин ва Октябрь Революцияси орденлари кавалери Ш. Норкулов каби донгдор кишилар бор.

1979 йил 1 марта Тошкент шаҳрига Бутуниттироқ социалистик мусобақасида энг юқори натижаларга эришганлиги учун, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширганлиги, 1978 йилда иктиносидий ва социал ривожлантириш планини мувваффақиятли бажарганлиги учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроби топширилганда залдагиларнинг гулдурос қарсаклари остида Қизил байроқни қабул қилиб олиш учун саҳнага кўтарилиган

шаҳар меҳнаткашлари вакилларининг олдидағи 63-хунар-техника билим ютичинг директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Рихситилла Ҳусанов борди. Бу бутун умрини ишчилар синфига ёш ўринбосарлар тайёрлашга бағишилаган фидокор инсонга шаҳар партия ва совет органларининг ҳурмати белгиси эди. Ҳозир Рихситилла Ҳусановнинг шогидрларини Тошкент шаҳридаги қарийб ҳамма корхоналар ва қурилиш ташкилотларида учратиш мумкин. Фақат 63- билим юрти ташкил этилгандан бери Тошкент шаҳри қурилишларига 6 мингга яқин малакали ишчи-кадр тайёрлаб берди. Улар ҳозир шаҳардаги қурилиш объектларида фидокорона меҳнат қилиб, республикамиз пойтахтини обод ва кўркам, на мунали коммунистик шаҳарга айлантириш ишига муносиб ҳисса қўшишяпти.

Маълумки, КПСС сўнгги съездлари қарорларида тарбия ишига комплекс ёндашиш, яъни гоявий-сиёсий, меҳнат ва ахлоқий тарбиянинг мустаҳкам бирлигини таъминлаш вазифаси қўйилди. Шу зайлда инсоннинг гоявий, меҳнат ва ахлоқий позициялари бир сағга тизиб қўйилди. 60- йилларнинг охиридан бутун мамлакат миқёсида ташкил этишга киришилган ўрта маълумот берадиган ҳунар-техника билим юртлари мана шу йўлда қўйилган катта қадам, ҳозирги ҳаётимизнинг муҳим янгилигидир.

Бу билим юртларини битирган ёшлар етуклик аттестати олишдан ташқари, ўқиган соҳалари бўйича дипломли ҳам бўлишади. Уч йил мобайнида ўқувчилар давлат таъминотида бўлишади, билим юртида ўтган факт меҳнат стажига ўтади. Таъланган соҳаси бўйича ўқишини давом эттиришни истаган ёшларга олий ўқув юртлари ва техникумларга киришда имтиёзлар берилади. Таълимнинг бу системаси катта истиқболга эга. Аммо ҳаётда ҳамма янгилик ҳам осонликча амалга ошавермайди. Бу ҳолни ҳунар-техника таълимдининг янги системасида ҳам кузатиш мумкин. Гап шундаки,

болаларини бу билим юртларига юборишни ҳамма ота-оналар ҳам истайверишмайди.

— Очиқ айтиш керак, билим юртимизга мактаблардан айрим шўх, ўқишига қизиқиши суст болаларни улардан «қутулиш» мақсадида юборишади,— дейди Рихситилла Ҳусанович.— Шунинг ўзи ҳунар-техника таълимдининг ҳозирги ҳаётимиздаги аҳамиятини ҳали ҳамма ҳам яхши тушуниб етмаганинг кўрсатиб турибди. Ҳар йили 2 сентябрда билим юртига ўқишига кирган болалардан диктант оламиз. Ўзига хос имтиҳон бўлган шу диктантнинг ўзидан уларнинг аксарияти ёмон баҳо олишади. Группа раҳбарлари шу диктантни сақлаб қўйишади. Орадан бир йил ўтгач болалардан яна диктант оламиз. Шу давр ичida уларда катта ўзгариш юз берганини кўриш қийин эмас.

Хўш, билим юрти педагогика колективи бундай ўзгаришга қандай муваффақ бўляяпти? Аввало, бу ерда юксак малакали педагогларнинг аҳил, жисплашган колективи юзага келтирилган. Барча ўқувчилар олий маълумотга эга. Олтмишга яқин ишлаб чиқариш таълими мастерининг йигирма нафари олий, қолгани ўрта маҳсус маълумотли кишилар, кўпчилиги сиртдан олий ўқув юртларида ўқишида.

Билим юртининг моддий-техника базаси йилдан-йилга бойиб боряпти. Ўнта ўқув устахонаси, қирқа яқин кабинет ва лаборатория энг янги ускуналар, таълимнинг техник воситалари билан жиҳозланган. Бу ўқув планлари ва программаларини муваффақиятли бажариши учун қулай шароит яратади.

Билим юртида ўқув-тарбия жараёнини илмий ташкил этиш бўйича Қенгаш ишлаб турибди. У ўқитувчиларга, ишлаб чиқариш таълими мастерларига ўз педагогик маҳоратларини ошириш, бўлажак малакали бинокорларни ўқитиш ва таълим беришнинг янги формаларини қидиришда ёрдам беради.

Билим юрти асосан пардозловчилар тайёрлаши муносабати билан бу ерда бўёқчилар учун бажарила-диган ишларнинг мураккаблиги ҳисобга олинган ҳолда учта ўқув-ишлаб чиқариш устахонаси ташкил этилган. Бу устахоналарда маҳсус машқ шчитлари ўрнатилган, буларда бўлажак бинокорлар иш усулларини ўрганишади.

Бўлажак қурувчилар ишлаб чиқариш практикаси-ни республикамиз пойтахтидаги бинокорликнинг ин-дустрисал методлари, янги материаллар, замонавий технология жорий этилаётган йирик қурилишларида ўтказишиади.

Билим юрти колективига ишлаб чиқариш илгорлари, 20—30 йиллаб меҳнат стажига эга бўлган мураббий ишчилар яқиндан ёрдам беришиади.

Шунда қуидаги саволнинг тугилиши табиий: Ҳунар-техника билим юртларида ёшларга билим бериш даражаси умумтаълим мактабларида гидан ортиқ бўлса ортиқки, кам бўлмаса, болалар бу ерда ўрта маълумотли бўлишдан ташқари касб ўрганса, олий ўқув юртларига киришда имтиёзларга эга бўлишса, уч йил мобайнинда болаларни боқиш, кийинтиришни давлат ўз зиммасига олса, нега баъзи ота-оналар болаларни бу ерга юборишни исташмайди?

Аввало, бунда бизда ҳали касб-ҳунар пропагандаси дуруст эмаслиги, қолаверса, ҳозирги ҳаётимиизда жисмоний меҳнат «мода» бўлмай қолганлиги салбий таъсир кўрсатяпти. Қўпгина ота-оналар техника тараққиёти ва умуман ҳаётнинг барча соҳасидаги юксалиши натижасида ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги тафовут камайиб бораётганилигини, жисмоний меҳнат кишиси учун қулай шаронлар яратилаётганилигини ҳисобга олишмаяпти. Албатта, орзули дунё. Ишчи фарзандининг инженер бўлишини истайди, инженер эса, фарзандини ҳеч бўлмаганда инженер, олим бўлишини истайди. Шунинг учун ҳам кўпчилик ёшлар

етуклик аттестати олгач, олий ўқув юртларига ҳужжат топшириб, ўз бахтларини синааб кўришади. Социологик тадқиқотларга кўра шаҳарларда юқори синф ўқувчиларининг саксон фоиздан ортиғи олий мактабга кириб ўқишини истайди. Ҳақиқатда эса ўн синфни тугатганларнинг бешдан бир қисмидан сал кўпроғигина, техникиумлар билан қўшиб ҳисоблагандага эса, учдан бир қисмига яқини олий ўқув юртига ўқишга киради. Шундан кейин қарабисизки, ўқишга киролмаган йигит ва қизлар (корхоналар ва қурилишлар малакали ишчиларга зарурат сезаётган бир шароитда) нима қилишларини билмай анча вақтгача бошлари қотиб юради. Чўнтақдаги етуклик аттестати билан жўн касбларда ишлашга (гарчи ҳеч бир меҳнатнинг айби бўлмаслигига қарамай) уялишади.

Илгари уйланмоқчи бўлган йигитнинг қўлига болта бериб, катта ғўла ўтинни самовар тараша қилдириб кўришар экан. Бу билан йигитнинг мустақил ҳаёт кечириш, оила тебратишга қай даражада тайёрлиги синаб кўрилган. Ҳозир эса жисмоний меҳнатга нўноқлик айб бўлмай қолди. Айниқса ақлий меҳнат кишилари орасида рўзгордаги жуда оддий юмушларга ҳам ташқаридан одам таклиф этадиган кишиларни истаганча топиш мумкин. Бу албатта, инсоннинг баркамоллиги эмас, балки камолга етмаганилиги белгиси ҳисобланади. К. Д. Ушинский меҳнат тарбияси ҳақида ёзиб: «Тарбиядан мақсад инсонни бахтли қилишдан иборат бўлса, уни бахт учун тарбияламай, аксинча ҳаётдаги меҳнатга тайёрлаш керак», деган эди. Буюк рус ёзувчиси Лев Толстой ҳам «қўйл меҳнати барчанинг бурчи ва бахти» эканлигини таъкидлаб, «жисмоний меҳнатдан фанга ва санъатга ғоят қизиқишинни баҳона қилиб бош тортадиганларни маъқулламайман», деб ёзганди. Зотан, улуг ёзувчининг ўзи ақлий меҳнатни қай даражада севса, жисмоний меҳнатга ҳам шу даражада ўз эди.

Халқимизда «йигит кишига етмиш ҳунар оз» деган нақл бор. Ота-она фарзандининг ишчи бўлишини хоҳламаган тақдирда ҳам, бола олайлик, слесарликними ёки сувоқчиликними ўрганиб қўйса, келгусида ҳеч бўлмаганда, ўз уйини ремонтдан чиқарганда бировга мурожаат қўлмайдиган бўлади-ку. Бу ўзига ҳам, жамиятга ҳам фойда-ку. Қолаверса, ҳунар-техника билим юртлари ёшларнинг истиқболини чеклаб қўймайди-ку.

Аксинча, у йигит ва қизларнинг олий маълумотли бўлишларида қўл келади, интилувчан, қатъиятли инсоннинг шаклланишига, тўгри касб танлашига ёрдам беради. Ахир ўз касби ўзига манзур бўлмаган врачни, ўз ишига қизиқмайдиган инженерни, болалар билан ишлай олмайдиган ва ишлашни истамайдиган педагогни бахтли деб бўладими?.. Улар бу касбларда ўз пайтида ота-оналари: «Фарзандимиз олий маълумотли бўлсин», деб орзу қилганликлари учун ҳам ишлашга мажбурдирлар.

Рихситилла Ҳусанович билан мана шулар хусусида гаплашиб ўтирганимизда, у киши бир воқеани сўзлаб берди. Бир куни Чилонзор район халқ маорифи бўлими Рихситилла акани мактаб ўқувчиларининг ота-оналари билан учрашувга таклиф этибди. У киши кўпчилик олдидага бўз-билим юрти ҳақида гапириб берибди. Шунда бир аёл ўрнидан туриб:

- Яхши агитатор экансиз, Рихситилла Ҳусанович. Энди савол беришга рухсат этинг. Ишчи бўлиш болаларимизга нималар беради? — дебди.
- Кечирасиз, касбингиз нима?
- Магазинда фаррошман.
- Яхши, оиласиз неча кишидан иборат ва неча хонали квартирада яшайсиз?
- Оилада тўрт жонмиз, уч хонали квартирада турамиз.
- Жуда соз. Сўзсиз, қўшниларингиз орасида олий маълумотлилари бордир... Уларнинг ҳеч бири турар

жой шароитида Сизнинг оиласынан ортиқроқ қулай-
ликка эга эмаслигини бориб күрмасам ҳам биламан.
Кўринишиңиздан иккимизнинг ёшимиш ўтасидаги
фарқ катта эмасга ўхшайди. Энди яна бир савол бериш-
га рухсат этинг. Нега олий ёки ўрта маҳсус маълумог-
ли эмассиз?

— Ёшлиқда ўқишига шароит бўлмаган.

— Бу гапингизга қўшилолмайман. Сабаби, мен ҳам
ишчидан чиққанман. Аввал фабрика-завод таълими
мактабида ўқиб артелда, заводда ишладим. Кейин
сиртдан ўқиб олий маълумотли бўлдим. Агар бу гапим
Сизни қаноатлантирмаса, партия XXV съездидаги ман-
дат комиссияси раисининг нутқи билан танишиб чиқи-
шингиз мумкин. Унда съездда қатнашган министрлар-
нинг қарийб ҳаммаси ишчидан чиққанлиги таъкидлаб
ўтилган.

Аёл нима дейишни билмай сукут сақлади. Рихси-
тилла ака сўзида давом этди.

— 1978 йилда Тошкентдаги юридик техникумга
студентлар қабул қилингандан бир ўринга 240 ариза
тушибди. Албатта, касбнинг яхши-ёмони йўқ. Ҳар ким
хоҳлаган касбни ўрганиш ва хоҳлаган соҳасида ишлаш
ҳуқуқига эга. Лекин юридик техникумни битирган
кишилар олаётган маошни кўринг-у, бизнинг ҳунар-
техника билим юртини битириб ишлаётган ёшлар ола-
ётган маошни кўринг. Сувоқчилик ва бўёқчилик қила-
ётганлар 220—230 сўмга етказиб, ганч ўймакорлигига
ишлаётганлар 280—300 сўмга етказиб маош олиша яп-
ти. Ишчининг қанча пул топиши билак кучига, гайра-
тига боғлиқ. Меҳнат билан топилгандан нон эса ҳамиша
тотли, беминнат бўлади... Фарзандингиз профессор бў-
лишини истайсизми? Марҳамат! Ҳунар-техника таъли-
ми ҳеч бир ёшнинг истиқболини чеклаб қўймайди. Ак-
синча, у кўп нарса ютади.

— Фарзандига ҳунар ўрганишни таклиф этсанг
«бурнини жийирадиган» ота-оналар билан сұхбатлаш-

ганимда Социалистик Мөхнат Қаҳрамони Николай Злобин, Балтика кемасозлик заводининг токари, икки марта Социалистик Мөхнат Қаҳрамони марҳум А. В. Чуев, Ленин мукофоти лауреати, икки марта Социалистик Мөхнат Қаҳрамони Турсуной Охунова каби мамлакатимизга машҳур кишилар ёдимга келади,— дейди Рихситилла ака.— Ахир улар ҳунар-техника билим юртларининг собиқ талабаси бўлган оддий мөхнаткашлар-ку. Бу кишиларнинг обрўси, ҳурмати қайси профессор ёки министрнинг обрўсидан кам?

Дарвоҷе, бизнинг жамиятда энг муҳими қандай касб эгаси бўлиш ёки қандай мансабни эгаллашда эмас, балки танланган касбингни қай даражада севишингда, шу касбда бир умр ихлос ва ғайрат билан мөхнат қилишда, тинмай изланиб, олга интилишда. Жумладан, Социалистик Мөхнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи, ҳунар-техника таълими аълочиси Рихситилла Ҳусанович Ҳусановнинг ҳаёти ҳам бу фикримизнинг яхши исботи бўла олади.

Рихситилла аканинг отаси «Тоштрам»да ишчи бўлган. Ўғил ҳам ота йўлидан борди. 1935 йилда еттинчи синфини битиргач, Тошкентдаги собиқ Бауман номли 37-фабрика-завод таълими мактабига кириб ўқиди. Кейин «Узпромсовет»нинг Чорсувдаги артелида слесарь бўлиб ишлаб, педагогика институтининг кечки бўлимида маълумотини оширди.

Одатда яхши кишилар аксарият вақт умр бўйи кўпи билан икки-уч жойда ишлаган бўлишади. Рихситилла акада эса бунинг тескариси бўлди. У қирқ йилдан ортиқ мөхнат фаолиятида ўнга яқин жойда ишлади. Нега шундай бўлганлигини унинг мөхнат дафтарчасига қараб билиш мумкин. Унда ҳар бир янги вазифага ўша жойни кадр билан мустаҳкамлаш, ишни яхшилаш учун ўтказилганлиги алоҳида таъкидланган.

Уруш бошланиб кетгач, Рихситилла ака район ҳарбий комиссариатининг йўлланмаси билан Тошкентга

янги кўчириб келтирилган Чкалов номли самолётсозлик заводига бориб, мастер бўлиб ишлай бошлади. Орадан кўп вақт ўтмай уни шу завод қошидаги 14-фабрика-завод таълими мактабига ишлаб чиқариш таълими мастерлигига таклиф этишди. 1948 йилдан эса 34-фабрика-завод таълими мактабига катта мастер бўлиб ўтди. 1950 — 1962 йиллар мобайнида 11, 14, 24, 40-фабрика-завод таълими мактабларида директорлик қилди.

Рихситилла ака Тошкент шаҳридаги қирқдан ортиқ билим юрти директорлари орасида энг тажрибалиси саналади. Шаҳарда ҳунар-техника таълими соҳасида ишлаётган кишилар орасида Рихситилла ака билан бирга ишлаб, у кишидан тажриба ўрганган, яхшилик кўрганлари кўп. Жумладан, 63-билим юртининг ўзидан қисқа вақт мобайнида олти киши билим юртлари директори ва директор ўринбосари лавозимларига кўтарилиб кетишли. Шулардан бири 139-билим юртнинг директори Миробид Самиговдир. Бу киши Рихситилла ака эллигинчи йилларда 24-фабрика-завод таълими мактабига директорлик қилган пайтда шу мактабни тамомлаб, ўн йил қурилишда ишлади. Кейин 34-билим юртига ишлаб чиқариш таълими мастери бўлди. Рихситилла аканинг даъвати билан ишлаб юриб техникумни, 63-билим юртига катта мастер бўлиб ўтгач эса, педагогика институтини сиртдан ўқиб тамомлади. Мана беш йилдирки, 139-ҳунар техника билим юртига муваффақиятли раҳбарлик қиляпти.

— Бу ерга ишга ўтганимга қадар менга директорлик лавозимини икки марта таклиф этишди,— дейди Миробид ака.— Лекин икки гал ҳам Рихситилла акамдан ажralгим келмади. Учинчи марта таклиф этишганида ҳам йўқ демоқчи бўлгандим. Рихситилла акам рози бўлмадилар: «Ҳар бир яхши кадр ўсиши керак. Ҳамон, Сизга ишонч билдирилаётган экан, бу ишончни оқлашингиз лозим», дедилар. Мен раҳбар сифатида би-

рон-бир яхши фазилатга эга бўлсам булар учун аввало Рихситилла акамдан қарздорман.

Яширишнинг ҳожати йўқ, баъзи бирорлардан «Рихситилла» аканинг таянч-намуна ҳунар-техника билим юртига директор бўлиб омади келди, бу билим юрти учун ёрдамни аяшмайди», деган гап-сўзларни ҳам эшитдик. Шу фикрни М. Самиговга айтсам, у кулиб: «Рихситилла» аканинг омади меҳнатсеварлигида, қийинчиликлардан қўрқмаслигида, яхши ташкилотчилигида,—деди.—Ўзингиз ўйлаб кўринг, эллидан ошган, республика Давлат ҳунар-техника таълими комитетида яхши вазифада ишлаётган одам ўз ташаббуси билан ҳали пойдевори ҳам қўйилмаган билим юртига директор бўлиб (қуий лавозимга) борди. Унинг ўрнида тинчини ўйлайдиган одам бўлса иссиқ ўринни совутмаган бўларди. Үн йилдан сал кўпроқ вақт мобайнида йўқ билим юрти бор бўлди, таълим-тарбия соҳасидаги ишлари кўзга ташланди, у хақда марказий газета ва журнallарда ёзилди. Бу ерда қурилиш билим юртлари раҳбарларининг Бутуниттифоқ кенгаши бўлиб, бутун мамлакатдан кишилар тажриба ўргангани келишди. Бу ютуқлар табиийки, раҳбардан катта ташкилотчилик ва меҳнатсеварликни, коллективдан эса уюшқоқлик билан аниқ мақсад сари дадил интилишни тақозо этади. Қолаверса, гап билим юрти қандай имкониятларга эга эканлигида эмас, балки шу имкониятлардан қандан фойдаланилаётганлигида».

Рихситилла ака билан кўп йиллардан берি ишлаб келаётган Собир Орипович Орипов шундай воғеани эслайди: «Рихситилла» акам 11-фабрика-завод таълими мактабидан янги мактабга ишга ўтадиган бўлиб юрган пайт эди. Шунда у киши мактаб территориясида боғ барпо этиши ҳаракатига тушиб қолдилар. Мен: «Ахир, Сизга нима зарурати бор бу ишга бош қотириб, эрта-индин кетадиган одам бўлсангиз. Янги директор келса қи́лар», десам у киши елкамга қўл ташлаб: «Собиржон,

ҳар ким ўзидан кейинн бог. гулзор қолдирса ҳаёт кўркам бўлади» дедилар.

Бу гап ўз умрини ишчилар синфига ўринбосарлар тайёрлашга багишлаган фидокор инсоннинг бутун ҳаёти мазмунини ташкил этади. Ҳа, у қаерда ишламасин ўша жойни обод қилди, ўзидан яхши ном қолдирди. Партия ва ҳукумат Рихситилла Ҳусановнинг бу хизматларини юқори баҳолади, кўкрагига «Олтин юлдуз» медалини тақиб қўйди.

Мингларнинг устози ҳамон сафда, қизгин меҳнат қучогида. Бир қарасанг уни билим юртига янги ўқувтехника воситалари келтириш ташвишида юрганини кўрасан, бир қарасанг дарс анализида ўтирган бўлади. Яна бир қарасанг пойтахтдаги қурилишларда практика ўтказётган билим юрти ёшлиари орасида юрган бўлади. Рихситилла ака игна билан қудуқ қазишидек қийин, аммо шарафли мураббийлик касби бетиним меҳнат қилишини, тинмай ижодий изланышни тақозо этишини тушунишдан ташқари, ҳозирги ҳаётнинг ҳар бир инсон олдига қўяётган талаблари ғоят юқори эканлигини чуқур англайдиган одам. Шунинг учун ҳам доим ҳаётини мана шу талаблар даражасида ташкил этишига интилади, атрофдагилардан ҳам шуни кутади.

ГУЛДАСТА

Лобархонлар оиласада олти фарзанд эдилар. Уйларида эски тикув машинаси бўларди. Болаларнинг устбошини онаси шу машинада тикканида Лобархон машина иғнасига иш ўтказиб беришни, тикилаётган буюннинг чокини тортиб туришни яхши кўрарди.

У Кўйкчадаги 40-мактабда ўқиб юрган пайтида ҳам меҳнат дарсида кўпинча қизлар тикувчилик билан шугулланишарди. Дастреб машинада материалга йўл туширишни, чокларининг текислигини таъминлашни, тұгма қадашни ўрганишди. Кейин фартуклар, қўғирчоқлар учун кўйлаклар тикадиган бўлишди. Лобархон

топширилган ҳар бир вазифани ҳавас билан бажаарарди. Муаллималари Ҳамида опа доим уни синфдаги қизларга намуна қилиб кўрсатарди.

— Лобардай бўлинглар,— дерди у.— Мана, ишини кўринглар, катта чеварлар тикканидан қолишадиган жойи йўқ.

Албатта, бунда муаллима муболага қиласди. Лекин тарбияда мақтов ўз ўрнида ишлатилса, ҳар қандай панд-насиҳатдан афзал бўлишини у пайтда Лобар тушиунмасди. Муаллиманинг гаплари ғайратига ғайрат қўшарди.

Унинг асл нияти тикувчи эмас, муаллима бўлиш эди. Чеварликни ҳамма хотин-қизлар билиши лозим бўлган «қўшимча касб» ҳисобларди. Назарида муаллимлар энг ҳурматли кишилар эди. Болаларга илм ўргатишни, улар уни «Муаллима опамиз» деб ҳурмат қилишини истарди. Лекин орзу бошиқа-ю, ҳаёт бошиқа ёкан. Лобархон ўрта мактабни битириб, Тошкентдаги Низомий номли Давлат педагогика институтининг филология факультетига ҳужжат топшириб, конкурсдан ўтолмади. Уриниши беҳуда бўлганидан анча вағт эзилиб юрди. Кейин икки-уч дугоиасининг даъвати билан 5-ҳунар-техника билим юртига кирмоқчи бўлди. Мақсадини уйдагиларга айтганди, улар рози бўлишди.

Аммо Лобархон билим юртида ўқиб юрганида ҳам муаллим бўлиш орзусидан воз кечмади. Кейинроқ институтнинг сиртқи бўлимига ҳаракат қилишини кўнглига туғиб қўйди.

5-ҳунар-техника билим юртининг ўқувчилари «Юлдуз», «Қизил тонг» ишлаб чиқарини бирлашмаларида меҳнат практикасида бўлишарди. Шундай практикаларда икки-уч бўлгандан кейин Лобархонда замонавий тикувчилик корхонаси, унинг одамлари, олдига қўйилган вазифалар ҳақида илк тасаввур пайдо бўлди. Тикувчилар зиммасига халқни юксак дид билин кийинтириш, улар учун пишиқ, чиройли, арzon кийим-ке-

чаклар тайёрлашдек мұхим вазифа юқлатылғанини англағади. Чеварлар орасида шаҳар Совети, республика Олий Советининг депутатлари бўлган, кўкрагида қўша-қўша орден ва медаллар ярқираб турган кишилар борлигини, улар давлат ишларини ҳал этишда иштирок этишларини, эл-юрт орасида обрў-эътиборлари зўр эканлигини билганида тикувчилик ҳам муаллимлик каби мўътабар касб эканлигини тушунди, унга ҳаваси, ихлоси ортди.

«Қизил тонг» бирлашмасида практикада бўлганида кўпроқ мастер Мария Григорьевна Гликман қўлида ишлашга ҳаракат қиласарди. Ўз касбини яхши билган бу аёлни Лобархон яхши кўрарди. Устоз ҳам шогирдларига эътиборли эди. Ўша пайтда бирлашма саратовликларнинг маҳсулотни биринчи тақдимда топшириш методида ишлашга ҳали ўтмаганди. Тайёрланган буюмларнинг бир қисмини техника назорати бўлимида гилар цехга қайтариб туришарди. Мария Григорьевна практикант қизларни мана шу нуқсонли буюмларни тузатишга қўярди. У брак маҳсулотни қўлга берарди-ю, аммо ундаги нуқсонни айтмасди. Буни ҳар ким ўзи топиши керак эди. Қизлар нуқсонни тополмай қийналиб қолгандагина Мария Григорьевна ёрдамга келарди.

— Чеварликни яхши тикувчининг ишига қараб эмас, аксинча ёмон тикувчининг ишига қараб ўрганиш керак,— мастер шу гапни кўп такрорларди.— У йўл қўйған нуқсонларни кўргин, билгин-да, уни такрорлами. Ана шундагина чинакам чевар бўлиш мумкин.

Практика пайтларида Мария Григорьевна билан бирга ишлаш Лобархонга кўп нарса берди. Билим юртини битириш арафасида у кийим тикишдаги асосий операциялар бўйича дурустгина кўниkmaga эга эди. Кўзлари ёниб, лабларida табассум ўйнаб турадиган ёқимтой бу қизни цехдагилар ҳам севиб қолишиди.

— Дипломингни олгач бошқа ёқса бораман деб юрма, ўзимизга келавер,— дейишди 2-цехнинг раҳбарлари ҳам.

Лобархон шундай қилди. Тезда коллективга сингиб, шини юришиб кетди.

Тикув цехларида 5-6 йил ишлагаи, кийим тикишдаги ҳамма жараёнларни билган тажрибали чеварлар резервистлик вазифасига кўтарилади. Резервист қайси участкага ёрдам зарур бўлса, ўша ерда ишлайди. Лобархон бу вазифага бир йилда кўтарилди. Яна сал вақт ўтгач корхонанинг машъял ишчилари сафидан ўрин олди. Цех комсомол ташкилотининг секретари, областъ комсомол комитетининг аъзоси сифатида бажараётган жамоатчилик ишлари ҳам чевар қизнинг пешқадамлар сафида бўлишига халақит бермади. У вақт ўтган сари камолот йўлида илгарилаб, меҳнат упумдорлигини оширишиниг япги имкониятларини топа бошлади.

* * *

...Шу куни Лобархон учун анча кутилмагап воғеа бўлди. Тушликдан кейин бирлашма партия ташкилотининг секретари Л. А. Орлова, фабком раиси Р. А. Сенова, цех бошлиги Л. М. Сивалиша гулдаста кўтариб унинг ҳузурига келиб қолишиди. Ён-атрофдагилар беихтиёр ишларини тўхтатиб, қарсак чалиб юборишиди. Ҳамма Лобарга ҳайрат ва ҳавас билан тикилди.

— Қадрли Лобархон! Сизни фирмамиизда биринчи бўлиб икки шахсий беш йиллик топширигини бажарганлигингиз билан қизгин табриклаймиз! — деди Лидия Андреевна унга гулдаста топшираркан, ҳамиша саломат бўлинг, чевар қўлларингиз дард кўрмасин...

Партия ташкилотининг секретари уни меҳрибонлик билан бағрига босиб, юз-кўзидаи ўпдиг. Қизни шогирди Шоира Убайдуллаева ва бошқалар ҳам чин дилдан табриклишди.

— Ишдан кейин «ювамиз», — деди Шонра Лобархоннинг қулоғига пичирлаб, — баҳонага ўрин йўқ.

Лобархон меҳнати тақдирланганлиги, ҳамкасбларининг илиқ сўзлари учун миннатдорчилик билдири. Ҳаяжонланганидан анча довдираб ҳам қолди.

Бирлашмада катта меҳнат ғалабасига эришганларни корхона раҳбарлари гулдаста билан табриклиши анъанаси анчадан бери мавжуд. Лекин бугунги воқеанинг кутилмаган жойи шу бўлдики, Лобархон икки беш йиллик маррасига яна ўн-ўн беш кундан кейин, сентябрнинг бошларида етаман деб ўйлаганди. Бўуни қарангки, адашган экан. Меҳнат ва иш ҳақи бўлими-дагилар машъал тикувчилар меҳнати натижаларини ҳисоб-кптоқ қилишда ҳеч янгишмайди.

Иш тугаш арафасида Лобархон Суннатуллаева эришган меҳнат ғалабаси «Чақмоқ» жанговар варақаси орқали бутун бирлашмага маълум қилинди. Бу ҳақда райкомга, шаҳар газетаси редакциясига ҳам ахборот юбориши. Интилганга толе ёр деганлари шу бўлса керакда.

...Асли бу ҳаракат 1975 йилнинг бошида бошланганди. Бир куни эрталаб 2-тикув цехида бирлашма кол-лективининг митинги бошландп. Шу куни республика-даги тўққиз новатор ишчи тўққизинчи беш йилликда икки беш йиллик тоширигини бажариш бўйича ташаббус билан чиқишганди. Уларнинг бу ташаббусини республика Компартияси Марказий Комитети маъқуллади.

«Қизил тонг» чилар ҳам тўққизлар ташаббусини қўллаб-қувватлашди. Корхонанинг тўққиз ишчиси, шу жумладан, 2-тикув цехидаги эркаклар пальтоси агрегатининг илфор тикувчиси Лобархон Суннатуллаева ҳам бу ташаббусга қўшилди.

Уша пайтда Лобархон шахсий тўққизинчи беш йиллик планини бажариб қўйиб смена нормаларини мунтазм 160—165 процент адо этаётганди. Икки беш йил-

лик топширигини бажариш учун эса бу суръат камлик қиларди.

Хўш, нима қилиш керак? Тикувчи ўзининг кундалик иш жараёнига хаёлан разм солиб, ҳали иш вақтини яна зичлашибиши мумкинлигини, анча вақти ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлмаган юмушларга сарфланаётганлигини, тезликни оширишининг иложи борлигини пайқади.

У худди шундай қилди. Ҳар куни ишга одатдагидан ярим соат олдин келиб машинасининг созлигини текширидиган, нуқсонни аниқласа механикка созлатадиган, хом ашё материални ҳам тушгача қимириламай ишлаш учун етадиган қилиб ғамлаб оладиган бўлди. Шундай қилиб, у 1975 йил 20 августда биринчи бўлиб икки беш йиллик топширигини бажариб, ҳамма ҳавас қилса арзийдиган меҳнат ғалабасига эришди...

* * *

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республика саноатида, қурилишида ва транспортида мураббийлик ҳаракатини янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида 1974 йил 13 августда қабул қилган қарорни «Қизил тонг» чеварлари атрофлича муҳокама қилиб, маъқуллашди. Тез вақт мобайнида бирлашмада мураббийлар кенгаши ташкил этилиб, корхона ёшлиар билан ишлаш бўйича жанговар штабга эга бўлди. Бирлашманинг илғор чеварлари ўртасида «Энг яхши мураббий» деган фахрли номни олиш учун мусобақа қизиб кетди. Бу ҳаракатдан Лобархон Суннатуллаева ҳам четда қолмади. У бирлашмага кечки ишчи ёшлиар мактабини битириб келган Шоира Убайдуллаевани шогирдликка олди. Лобархон устозман деб ўзини катта оладигаплар тоифасидан эмасди. Шоира эса ортиқча ийманчоқликни хуш кўрмайдиган қиз. Шунинг учун ҳам устоз ва шогирд ўртасида дастлабки кунлардан илиқ, самимий муносабат юзага келди. Лобархон янги

ишлий бошлаган кишининг корхонадаги меҳнат шароитига кўнишка ҳосил қилиши қийин бўлишини яхши билади. Шунинг учун у шогирдининг қўним топиб, ҳавас билан ишлаб кетиши учун қўлидан келган ҳамма ёрдамни берди.

Шоира қисқа вақт мобайнида устозининг ёрдамида пальтоға астар улаш, чоқ тикиш, енгга пардоз йўлларит туширишни ўрганиб олди. У Лобархонни опасидай яхши кўриб ҳамиша унга ўхшашга интилди.

...Боя Лобархонга гулдаста тақдим қилинганда Шоира ҳазил билан айтган гап ишдан кейин чинга айланди. Икки дугона Революция хиёбонидаги кинотеатрга бориб, дурустроқ фильм бўлса кўрмоқчи бўлишди. Улар сув сепиб салқин қилинган баланд бинолар, адл ўсган оқтеракларнинг узун сояси билан қопланган оқшомги Пролетар кўчасидан юриб, гурунглашиб кетишди. Шоира устозининг меҳнат муваффақиятлари ҳақида суюниб гапириди:

— Ҳақиқий тикувчи деб Сизни айтса бўлади,— деди у,— пальто тикишдаги 56 операциянинг ҳаммасини аъло даражада биласиз, «универсал»из. Суръатингизга эса ҳамма қойил.

— Бунинг ҳеч бир қийин жойи йўқ. Интилса, касбига меҳр қўйса бунга ҳамма, мана сен ҳам эришменинг мумкин. Сенда ҳозирча тажриба камроқ, холос.

— Эҳтимол, тўғри айтарсиз.

— Албатта. Айтганман-ку, мен ҳам сенга ўхшаган эдим. Фақат ишга бўлган қизиқишим бир жаҳон эди...

Яхши билан юрсанг етасан муродга, деганларидек тўққизинчи беш йиллик ниҳоясига келиб Шоира Үбайдуллаева смена топшириқларини мунтазам 20—25 процент ортиғи билан бажарадиган ишчилар сафидап ўрин олди. Аммо ҳали у устози даражасига етиш учун анча меҳнат қилиши, суръатни тезлаштириш, меҳнат сифатини яхшилашнинг янги имкониятларини топиши лозим.

Лобархон учун тўқизинчи беш йиллик қувончли воқеаларга бой бўлди. У шахсий беш йиллик планини бажаришда муваффақиятга эришганлиги учун Мехнат Қизил Байроқ ордени, «Москвич» ёмғил автомашинаси билан мукофотланди. 1976 йилнинг бошида эса Совет Иттифоқи Коммунистик партияси сафига қабул қилинди.

Ўнинчи беш йиллик бепоён мамлакатимизнинг ҳамма жойида бўлганидек, «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам зўр сиёсий меҳнат жўшқинлиги вазиятида бошланди. КПСС XXV съезди шарафига меҳнат самарадорлигини ва маҳсулот сифатини ошириш учун, ҳалқ хўжалиги планларини муваффақиятли адо этиш учун тикувчилар ўртасида ўзаро социалистик мусобақа кенг қулоч ёйди. Худди ўшу пайтда республиканинг ўн наватор ишчиси ўнинчи беш йилликда икки беш йиллик топширигини бажариш ташаббуси билан чиқди. Бу ташаббусга Лобархон Суннатуллаева ҳам қўшилди.

Лобархон коммунист деган шарафли ном зимасига зўр масъулият юкланини яхши хис қиласади. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг Москвадаги Лихачёв номли автомобиль заводида сўзлаган нутқи ҳам унинг ёдиди эди. Леонид Ильич бу нутқида хозирги илғор ишчи учун нормани ошириб бажариш етарли эмаслигини, шу билан бирга у актив жамоатчи бўлиши, бошқаларни ҳам ўзидай ишлашга ўргатиши лозимлигини алоҳида уқтирганди. Шунинг учун ҳам Лобархон ўнинчи беш йилликда икки беш йиллик топширигини бажариш бўйча ваъда бераркан, ёшларга тажриба ўргатажагини ҳам унутмади. Бригадага янти ишга келган Малика Ўмарова, Валентина Аникимова, Люда Карповани шогирдликка олиб, уларни ҳам яхши тикувчилар сафига қўшишга сўз берди.

Ҳозир у мана шу ваъдаларини бажариш йўлида гай-
рат билан меҳнат қилалити.

* * *

«Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлаш-
маси Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг
илгор корхоналаридан саналади. Бирлашмада аёллар
ва эркаклар, болалар учун тикилган турли модел
ва фасондаги пальтолар юқори сифатлилиги билан аж-
ралиб туради. Коллектив КПСС XXV съезди буюмлар
сифатини яхшилаш, меҳнат самарадорлигини ошириш
бўйича белгилаган вазифаларни муваффақиятли адо
этаяпти. Ҳозир бу ерда ҳар йили тайёрланаётган 70
миллион сўмлик буюмнинг 40 процентдан ортифи дав-
лат Сифат белгисини олган. Бу республикадаги тикув-
чилик корхоналари орасида юқори кўрсаткичdir.
Лекин буюмлар сифати ҳақида сўз боргандা, юзта ра-
қамдан харидорнинг фикр-мулоҳазасига таянган аф-
зал. Бирлашма директори Ойжамол Қодировага шу
ҳақда гапирганимизда, у одамлардан келган бир пап-
ка мактубни олдимизга қўйди. Мана, улардан айрим-
лари:

«Бу сафар Тошкентга борганимда фарзандларимга
совға-салом ахтариб кийим-кечак магазинига кирдим.
Секцияларнинг биридаги болалар пальтоси кўзимга
чиройли кўринди. Бир оз иккиланиб харид қилдим.

Уйга кириб пальтони ўғлимга кийдириб кўрдим-у,
бутун шубҳаларим тарқаб кетди. Ҳаммамиз хурсанд
бўлдик. Айниқса, ўғлимнинг қувончи ичига сиғмасди.

Бутун оила аъзоларимиз билан сиз қўли гул чевар-
ларга офарин айтамиз.

*Топиболди Отажонов,
Фарғона облассы Қува районидаги
Калинин номли колхоз».*

«Биз ўрта яшар аёлләр, одатда, ўзимизга пальто танлашда күпинчә қийналамиз. Бу моделшунослар-нинг бизларга камроқ эътибор бораётганидан бўлса кепрак. Аммо, сизлар тикиб чиқараётган пальтолар бизнинг дидимизга мос келаёттири.

*Е. П. Логинова,
Кирғизистон ССР, Ўш обласи,
Холмион қишлоғи»*

«Мен кўп вақтдан бери кўнглимдагидек фасонда тикилгап пальто тополмай юрардим. Ниҳоят, яқинда дидимга мос, хушбичим пальто харид қилишга муяс-сар бўлдим. У дугоналаримга ҳам жуда маъқул бўлди. Чунки пальто учун материал ҳам, фасон ҳам юксак дид билан танланган, тикилиши ҳам бежирим. Қўли гул чевар тайёрлаганлиги сезилиб турибди.

Сизларга самимий миннатдорчилик билан,

*Лидия Оксендендер,
Самарқанд шаҳри, Зарафшон
кўчаси».*

Сўнгги мактубдаги қўйидаги жумла эътиборимни тортди: «Иўли гул чевар тайёрлаганлиги сезилиб турибди». Афтидан мактуб муаллифи кийим сифатини яхши фарқласа ҳам, ҳозирги замон тикувчилик саноати ишидан дуруст хабардор эмасга ўхшайди. Акс ҳолда бир буюм тайёр бўлгунга қадар 55—60 операция бажарилиб, 40—45 тикувчининг қўлидан ўтишини тикувчиликдаги юқори сифат коллектив меҳнати маҳсули эканлигини эътиборга оларди. Ҳа, ҳозирги тикувчиликда харидорга манзур буюм бутун коллектив меҳнати натижаси. Лобархон Суннатуллаева эса фидокорлиги билан эл олқишига сазовор бўлаётган юзлаб чеварларнинг биттаси. Корхона адресига келаётган юзлаб миннатдорчилик мактублари унинг ҳам меҳнатига бе-

рилган юқори баҳодир. У буни яхши англайди. Шунинг учун ҳам зиммадаги вазифани бутун зеҳнини бериб, ихлос билан бажаришга интилади.

Қайси бир мутафаккир ҳар бир одам маълум бир қобилияят билан дунёга келади, ҳамма гап унинг мана шу қобилиятыни пайқашда, деган экан. Лобархон ўзининг қандай қобилияят билан түғилганлигини билмайди-ку, лекин тикувчи бўлганилигидан мамнун. Ахир, нега мамнун бўлмасин?! Кечагина мактабда қўғирчоқ учун кўйлак тикканига суюниб юрган қизалоқ бугун республикадаги йирик тикувчилик корхонасининг донгдор ишчиси, икки баҳтли фарзанднинг онаси, рўзгори беками-қўст...

Лобархон буларнинг ҳаммасига касбига муҳаббати, ҳалол меҳнати туфайли эришди.

ЕР ИШКИ

Май ойининг охирлари. Ердан бодраб чиқиб, барг ёзган гўзалар бепоён далаларни яшил чойшабдай қоплаган. Янгибої Бердиқулов бошлиқ сабзавотчилик бригадасида эса помидор ва бодринглар қийғос гуллаб, беш гектарлик майдондаги ичи қизил қовун биринчи чопиқдан чиқариляпти. Ўттиз чоғлиқ йигит ва қиз қовун чопиқ билан банд. Кимdir катта ашулани хиргойи қиласди.

Қўшни «Инқилоб» колхозидан келган ўзаро текшириш бригадаси аъзолари гўзаларнинг аҳволини кўздан кечириб бўлиб, сабзавотчилик бригадасида қовун чопиқ қилаётганлар ёнига келиб «ҳорма-бор бўл» қилишди, чопиқ сифатини кўздан кечиришди.

Абдураҳим пешонасини чорси билан танғиб, гайрат билан кетмон уради. Унинг қўлидан чиққан әгатларда бўғзига упадек тупроқ уюлган қовун туплари худди чизиқча тизилган қўғирчоқлардай бўлиб турар, кўрган кишининг ҳаваси келарди. Ўзаро текшириш

бригадасининг аъзолари йигитнинг чопигини аъло ба-
ҳолашди. У кунлик нормасини икки-икки ярим бара-
вар ошириб бажараётганини эшитишганда эса «Отанг-
га раҳмат, ўғил бола, ҳақиқий дехқон экансан» дейиш-
ди.

Эртаси куни кечқурун Абдураҳим даладан қай-
тиб, сўрида ёнбошлаб ётганида, идора ҳоровули келиб
бошликлар йўқлаётганини айтди. Абдураҳим борга-
нида раис хонасида правление аъзолари тўпланиб ўти-
ришганди.

— Дехқонлигингта тан бердик, ука,— десди раис
йигитдан ҳол-аҳвол сўраркан мамнуният билан.— Беш
ої кетмон чопдинг етар энди. Озгина хат-саводинг
борлигини эшитдик. Илминг увол бўлмасин. Энди сени
ўзинг ишлаётган бригадага табелчи қилиб тайинлай-
миз.

— Ишончларинг учун раҳмат!— Абдураҳим прав-
ление аъзоларига бир-бир қаради.— Лекин мен бир
йилсиз бошқа иш қилмайман. Сабаби, колхозчилар ол-
дидা сўз берганман.

— Муруватингга балли!— раиснинг юзи табассум-
дан ёришиб кетди.— Шу галингнинг ўзи эллик йил
кетмон чопгандан аъло бўлди. Лекин правление аъзо-
лари лозим топган ишни қилишинг ҳам керак.

Эртаси кунидан Абдураҳим табелчилик қила бош-
лади.

Воқеа бундай бўлганди. 30-йилларнинг бошида
Тошкент обlastининг Қовунчи, Қорасув, Ўртасарой
каби Ҷайонларидағи хўжаликларда экиладиган ер май-
донлари кўп эди-ю, лекин ишчи кучидан танқислик
сезиларди. 1933 йилда республиканинг биринчи прези-
денти Йўлдош Охунбобоев Фаргона обlastининг аҳоли
зич жойлашган Бағдод, Қува, Олтиариқ районларида
бўлиб, кишиларни мана шу ерларга бориб дехқончи-
лик қилишга даъват этди. Отанинг бу даъвати Қува-
нинг Дехқонобод қишлоғилик ака-ука Иброҳимжон ва

Абдурахим Шерматовларга ҳам маъқул бўлди. Бир гурӯҳ ҳамқишлоқлари қатори Ўртасарой районидаги «Қизил аскар» колхозига келиб дехқончилик қила бошлашди. Орадан икки йилча ўтгач, ака-ука Қорасув районидаги Ворошилов номли колхозга (ҳозирги Калинин районидаги «Қорасув» совхози) кўчиб ўтишди.

Колхозчиларнинг умумий йигилишида колхоз раиси Меливой Шомуродов ака-укани кўпчилик рўпарасига тик турғазиб қўйиб одамларга таништириди, кейин аризаларини ўқиб бериб, колхозчиларнинг фикрини сўради. Биринчи бўлиб Бадал исмли ўрта бўй, ягрини кснг йигит сўз олди:

— Элга эл қўшилса—давлат, йигитлар бизга эл бўламиз деб келишибди, кўп хурсандмиз. Лекин ҳали синаяста эмасмиз. Шунинг учун таклифим шуки, иккисини ҳам бир йил кетмонда синасак, кейин колхозга ҳақиқий аъзоликка қабул қилиб, хоҳлаган ишини берсак.

Бу гапни кўпчилик маъқуллади. Раис «Сизларни ма дейсизлар?» дегандай ака-укага қаради.

— Хўп бўлади-да, акалар, кетмонда синасанглар осон экан-ку,— Абдураҳим шундай деб белбогини қўшқўллаб нари-бери суриб қўйди.

Иброҳим эса қизарib-бўзарib:

— Шартларингга мен ҳам рози-ю, лекин кичкина узирим бор-да,— деди.

— Айт узрингни, нима?

— Узрим шуки, кетмонни Абдураҳимдай чополмасам айбга буюрмайсизлар. Сабаби, асл касбим аравакашлик. От-арава бўлса, майли, кечаси десанглар ҳам, кундузи десанглар ҳам қўшавераман.

Мажлис гала-говур бўлиб кетди. Раис қизил алвон тўшоғлиқ столга қалам билан уриб, жамоатни тинчлантиргач, деди:

— Майли, ўртоқлар, Иброҳимжонни илтимосини ҳам инобатга олиш керак. Колхозимизга аравакашлар ҳам зарур.

Шундай қилиб, ака-ука Ворошилов колхозыда бирін аравакаш, иккінчісі сабзавотчилик бригадасыда кет-мончи бўлиб ишлай бошлади. Иккиси ҳам қисқа вақт мобайнида юрга сингиб, катта-кичининг ҳурматиниң қозонди. Юқорнда айтганимиздек, колхозчилар сино-видан айниқса Абдураҳим муваффақиятли ўтди.

1947 йилда Абдураҳим бригадага бошчилик қилас-ди. Бир куни уни колхоз катталари чақириб, омборга мудирилик қиласан, дейишди. Табнатан мулойим йигит катталарнинг гапини иккита қилмади, янги вазифа-да ишлай бошлади. Бу ҳақда дастлаб уйдагиларга ҳеч нарса демади. Ўғлининг янги ишга ўтганлигини Сүйди-нисо кампир бир ҳафтадан кейин билди. Елемаслаҳат иш қилганлиги учун ўғлидан хафа бўлди.

— Катталарнинг буйруғида, энажон,— деди ўғил.

— Ундан бўлса, чақир ўша катталарнингни, ўзим гаплашаман.

Кампир оқшом ош дамлаб турадиган, ўғли раис билан парткомни бошлаб келадиган бўлди.

Меҳмонлар белгиланган вақтда келишди. Ишком остидаги сўрида палов еб, кўк чой ичиб, ундан-бундан гаплашиб ўтиришди. Пиёлалар тўнкарилгандан кейин кампир сўри четига келиб омонат ўтириди да, илтимо-сини айтди — ўғлинни эски ишига қайтаришларини сўради.

— Абдураҳимжонга омборчиликни правление аъзо-лари лозим кўрди, эна,— деди раис.— Ўглингиз ҳалол, диёнатли йигит. Кўпнинг ҳақини шундай йигитларга ишониб тошиштрасак, кимга топширамиз?

— Ўғлимни улувлаб, ҳурматлабсизлар, раҳмат! Сизларни эл-юрт улугласин. Лекин менинг розилигимга ҳам қаранглар. Менга қолса, Абдураҳим ҳамиша ота-бувасининг касбини қилсин. Ота-буваси баззоз ҳам, дўкондор ҳам ўтмаган. Улар тупроққа уруг қадаб ўстириб рисқ-рўзларини топишган, раис болам. Дех-қончилик улуғ касб, Абдураҳим бу касбни ардоқласа,

Қишлоғимиздаги дәхқон буваларининг муносиб шоғирдлари бўлса кам бўлмайди.

Колхоз катталари кампирнинг раъйини қайтаришолмади. Абдураҳим яна эски ишини қила бошлади. Шундан бери кўп сувлар оқиб ўтди. Аммо ҳамон она насиҳати ўғлиниңг қулогида.

* * *

«Қорасув» совхози ерларига әллигинчи йилларга қадар пахта экиларди, кейин сабзавот экиладиган бўлди. Ҳўжалик дәхқонлари зиммасига йил сайип қомат кериб бораётган Тошкент шаҳри аҳолисини сабзавот билан таъминлаш вазифаси юклатилган.

Сабзавоткор меҳнати пахтакор меҳнатидан анча фарқ қиласди. Сабзавоткор учун экиш-тикиш, экинларини парваришлаш, йигим-терим мавсумлари қарийб бутун йил бўйи давом этади. Ҳар бир экин алоҳида агротехникани, алоҳида парваришни талаб этади.

Масаланинг бошқа бир томони ҳам бор. «Қорасув» совхози каби шаҳар яқинида жойлашган ҳўжаликларнинг шароити, жумладан, Бўка, Пискент районлари ҳўжаликларидағидан фарқ қиласди. Шаҳардан олис ерларда ўрта мактабларни битирган ёшларнинг аксарият қисми, агар қишлоқда яшашни истасалар, ўз-ўзидан дәхқончилик билан шуғуллана бошлайдилар. «Қорасув» совхози каби хўжаликлардаги ёшлар учун эса касб танлашда бошқа қулагайлик ҳам бор. Уларга совхозда меҳнат қилиш маъқул бўлмаса, бемалол шаҳардаги завод ва фабрикаларга қатнаб ишлайверишлари мумкин.

Ёшларни дәхқончиликка жалб этиш билан bogлиқ бу проблемани Абдураҳим aka биринчилардан бўлиб илгаган ва уни ҳал этиш бўйича мулоҳазаларини кўпчилик олдида кўп марталаб айтган. Үнинг фикрича,

шахар яқинидаги хұжаликтерда мәннат шароитини яхшилаш, бу демек, сабзавотчилик ва чорвачилик ишларини механизациялаш йўлини изчил давом эттириш, ёшларнинг талаб ва эҳтиёжларига сезгир бўлиш улар ота-буваларининг мўътабар касбини давом эттиришларига эришишининг асосий омиллари дидир. «Қорасув» совхозида худди шундай қилинганини ҳам.

Абдураҳим аканинг қалбида КПСС Марказий Комитетининг Баш секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев ВЛКСМ XVII съездидаги нутқида айтган сўзлар чуқур жой олган. Совет давлатининг бошлиғи мамлакатимиз комсомолларининг бу анжумани минбарида туриб, мураббийчилик ҳаракатига юксак баҳо берган, бу хайрли иш оммалашиб, барча заводлар, фабрикалар, шахталар, қурилишлар, колхоз ва совхозлар, қисқаси бутун мамлакатимизни қамраб олишини истаганди. Абдураҳим ака совхоз касаба союз комитетининг ёшлар билан ишлаш секциясининг бошлиғи сифатида бу ишга ҳоли-қудрат ўз ҳиссасини қўшаяпти. У тез-тез совхоз дирекцияси, партия комитети олдига ёшларнинг турмуш шароитини яхшилаш, уларнинг билим даражаларини ошириш, янги техникани згаллашларига ёрдам бериш масалаларини кўяди. Совхоз территориясидаги мактабларда ўқувчи ёшлар билан тез-тез учрашиб, уларни ўнинчиги синфни тамомлагач, қишлоқ хўжалигига мәннат қилишга давват этади. Бу тадбирлар сўзсиз ўз самарасини беряпти. Совхозда бўлим ва бригадаларни бошқараётган, агрономлик қилаётган Эркин Исмоилов, Шавкат Сулаймонов, Тўлқин Норматов, Қаҳҳор Мустафоев каби ёшлар яқинингинада ўрта мактабни битириб, оталари, оналари қўлидан кетмонни олишганди. Ҳозир улар совхознинг етакчи кадрлари бўлиб қолишидди, кўкракларини қатор орден ва медаллар безаб турибди. Бу ёшлар Абдураҳим акани ўз устозлари деб билишади.

Урушдан кейинги йилларда партия ва ҳукумат қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари қатори сабзавотчиликни ривожлантириш, ундаги асосий ишларни машина-механизмлар зиммасига юклаб, деҳқон меҳнатини енгиллаштириш бўйича нақадар катта тадбирларни белгилаганлигини «Ҳорасув» совхози мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Ноилложликдан ғўзапоя юладиган агрегатини сабзи кавлашга мослаштирган, бодрингга эгат олишда омочдан фойдаланган вақтларимиз ўтмиш бўлиб қолди,— дейди бу ҳақда Абдураҳим ака.— Эллигинчи йилларда совхозимизда иккитагина «ХТЗ» универсал трактори бор эди. Ҳозир ўн олти бригаданинг ҳар бирин иккитадан тракторга әга. Бундан ташқари совхозда деҳқончиликдаги турли юмушларда қўлланиладиган бошقا техника воситаларининг ҳам каттагина парки мавжуд. Пахтакор сингари сабзавоткорларга ҳам илм-техника қўшқанот бўлди. Ҳозир бизда экинларни экип, парваришлаш, йиғиб-териб олишдаги асосий ишлар техника зиммасига юклатилган.

Абдураҳим ака бошлиқ бригада совхозда пешқадам сапалади. Бригада азаматлари тўққизинчи беш йилликда 50 гектар майдондан 3600 тоннига 5223 тонна ҳосил кўтаришганди, ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида 817 тоннига ўрнига 1183 тонна, иккичи йилида—1300 тонна ҳосил кўтарилди. 1978 йили эса колектив давлатга 1360 тонна сабзавот етказиб бериб, зўр муваффақиятга эришди. Колектив ўнинчи беш йилликни рекорд кўрсаткичлари билан якунлаш учун нитилаяпти.

Тажрибали сабзавоткор билан суҳбатлашиб ўтириб, бригада муваффақиятларининг сири нимада эканлигини, бир совхознинг ўзида ер-сув шароитлари, техник имкониятлари, ишчи кучи бир хил бўлган бригадалар нега экиндан ҳар хил ҳосил олаётганликларини сўрадик.

— Ҳар бир ишни оби-тобида бажаришда, агрономнинг чизган чизигидан чиқмасликда, ҳалол меҳнат қилишда гап кўўл. Декончилик ҳалолликни ёқтиради. Бундан ташқари бошлиқ одамларни ишлата билиши, уларга тўғри муомала қила билиши лозим.

Бир куни совхозимиз директори Рашид ака Алибековнинг олдига иш билан бориб, ҳузурида ўтирувдим, биринчи бўлимда ишлайдиган механизаторлардан бири ишдан бўшашиб ҳақида ариза кўтариб кириб келди. Директор йигитдан нега бундай қилаётганлигини сўради. Йигитнинг айтишича, картошка культивацияга етилиб турганида у бригадирдан ярим кунга рухсат олиб, томорқасига қий келтиргани қирга кетибди. Лекин қайтишда трактор бузилиб қолиб, йўлда бир кун қолиб кетибди. Минг азоб билан қайтиб келса, бригадир сўраб-суриштириб ҳам ўтлармай роса сўкибди. Директор механизаторни шаштидан қайташиб ҳаракат қила бошлади. Мен: «Йигитнинг аризасига қўйл қўйиб беринг, Рашид ака, тракторчилар учун иш кўўл» дедим. Директор аризага қўйл қўйиб юборди. Йигит хонадан чиқиб кетганидан кейин эса менга қараб:

— Бу ишимиз қандай бўлди? — деди. Мен: «Йигитнинг бошлиғидан кўнгли қолган. Энди у срда сидқидилдан ишламайди. Киши қаердаки сидқидилдан ишламаса, мутлақо ишламагани маъқул» дедим. Ди-ректорга шундай дедим-у, ўша бригадир ҳақида ўзимча ўйладим: «Ҳа, сен одамларни ранжитишни бошлибсанми, ишингдан ҳам путур кетса керак...» Шундай бўлди ҳам. Бу билан бошлиқ ҳеч кимга дашном бермаслиги керак, демоқчи эмасман. Одамларни ўрни келса мақташ, айб қилса дашном бериш, жазолаш керак. Лекин бу дашном, бу жазо қилингган айбдан ярим энлик ҳам ортиқ бўлмаслиги лозим.

Юқоридаги воқеага қайтайлик. Бунда албатта, механизаторни айбсиз деб бўлмайди. Лекин бунинг учун уни ортиқча койиш ҳам нотўғри. У ишга ички-

лик ичиш ёки чойхонада ошхўрлик қилиш натижасида эмас, балки қонуний томорқаси ташвишида кечики. Менимча, дехқоннинг бу ташвиши ҳам ҳамманинг ташвиши бўлиши керак.

Леонид Ильич Брежнев ўзининг дехқон меҳнатига ва одамларга ризқ-рўз ҳадя этадиган ерга чуқур меҳрумукаббат руҳи билан сугорилган «Қўриқ» асарида томорқасиз қишлоқ кишиси бамисоли илдизи йўқ дараҳт дейди. Одамларни шахсий томорқалик, чорвалик, паррандалик қилиш ҳақида ўйламасдан миллионлаб гектар ерларни ўзлаштириш унинг учун мазмунсиз иш бўлиб туюлганини ёзиб, мамлакатимизда коммунистик мўл-кўлчиликни юзага келтириш учун ҳар бир имкониятдан, ҳар бир парча ердан фойдаланиш зарурлигини, ана шундай қилгандагина умумий дастурхонимизга аталган ноз-неъматлар сероб бўлишини уқтиради. Менимча, бу ўринда Леонид Ильич тамоман ҳақ. Ҳозирги раҳбар давлат манфаатини ўнг қўлга, дехқон манфаатини сўл қўлга олиб иш кўриши, одамлардан иш талаб қилишдан аввал уларнинг хоҳиш-эҳтиёжларига сезгир бўлиб туриши керак.

Бундан беш-олти йил муқаддам совхозимизда бир қатор хонадонларнинг томорқаси нормадагидан тўртбеш сўтиҳ ортиқча, уларни қирқиб, совхоз ерига қўшиш керак деган масала кўтарилиб қолди. Шу масалани ўрганиб, хал этиш бўйича комиссия тузилиб, унга мен ҳам киритилдим.

Масаланинг чигал томони шундан иборат эдики, кўпгина ортиқча томорқа майдонлари хонадонларнинг ҳовлисига туташ, уларни совхознинг катта ер майдонларига қўшиб юборишининг имкони йўқ эди. Бунинг устига бу ортиқча томорқа эгаларининг аксарияти совхозга меҳнати сингтан кишилар, уларни хафа қилиш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Шундан кейин ўйлаб-ўйлаб хонадонлар бу ерлардан фойдаланавериш-син-ку, лекин совхоз учун тут ўстириб беришсин де-

дик. Бу таклиф ҳаммага маъқул бўлди. Натижада сих ҳам, кабоб ҳам куймади, совхозимизда пилла қурти учун барг кўпайди.

Миришкор дехқоннинг бригадасида меҳнатнинг ташкил этилиши билан танишиб, унинг қўл остида бир неча йиллардан бери ишлаб келаётган Маҳкам Мирзакев, Ҳамидулла Нўймонхўжаев, Жамила Эрматова, Турғун Усмонов каби илгорлар билан суҳбатлашганимизда бригадирнинг сўзи билан иши бир эканлигига ишонч хосил қилдик.

Абдураҳим аканинг ҳалол меҳнатини, Улуғ Ватан урушидаги жасоратини давлатимиз ҳам юқори баҳолади. У Ленин ордени, Октябрь революцияси, «Ҳурмат белгиси» орденлари, ўндан ортиқ медаллар билан тақдирланган.

* * *

Уруш бошланганида Абдураҳим ака мамлакатимизнинг жанубий чегарасида ҳарбий хизматда эди.

У жангга биринчи бор 1941 йилнинг кеч кузида Тула шаҳри остоналарида кирди. Кейин яна кўп жанглар бўлди. Ўзбек йигити 1-Ўкрина фронтининг артиллерия дивизионларидан бирида жанг қилиб, Орёл, Калуга, Смоленск шаҳарларини, Украина нинг катта қисмини озод этишда қатнашди. Аёвсиз жанглар билан ўтган уч йил мобайнида не-не воқеалар бўлмади-ю, не-не фожиалар юз бермади. Абдураҳим ака буларнинг қай бирини эсласин-у, қай бирини сўзласин.

Рус лашкарбошиларининг биридан сўрашган экан: «Сиз кўп жангларни кўргансиз, урушда мағлубият аламини ҳам тотгансиз, галаба нашъасини ҳам сургансиз. Айтинг-чи, урушда қандай қишилар лхши жанг қиласиди?» Лашкарбоши жавоб қилиби: «Уруш дунёдаги меҳнатларнинг энг оғиридир. Шундай бўлгач,

мөхнаткаш кишилар яхши жанг қиладилар, десак түгри бўлади». Абдураҳим аканинг урушда кўрганлари бу фикрнинг тамоман тўгрилигини исботлайди. У фронтнинг оғир йўлларида ўзи сингари содда, мөхнаткаш йигитлар билан биргаликда минг азобни бошдан кечирди. Бу йигитларнинг кўпчилиги Ватанимиз озодлиги йўлида мардона жон бердилар...

1944 йилнинг 27 апрель тонготарида Абдураҳим ака Тернополь шаҳри яқинидаги жангда замбарагини нишонга тўгрилаётганида чап кафтидан ўқ еб оғир яраланди. Эллик кун госпиталда ётди. Душман снайпери отган ўқ елка суяги орасига кприб қолганди. Ўқ бераётган оғриқ атала ютишга ҳам, ухлашга ҳам имкон бермай қийнади. Қирқ тўққиз кун деганда елка суяги ўсиб, ўқни эт орасига қисиб чиқарди. Оғриқ қолди. Йигитни операция столига ётқизиб, эт орасидаги ўқни олиб ташлашди. Дўзах азобини берган қўргошинни хирург Абдураҳимнинг қўлига тутқазди. У бу ўқни буюк урушдан хотира сифатида уйига олиб қайтди.

Яхши согайгач, жангчи йигитни пахтачилик бригадасига бошлиқ қилиб таёйинлашди.

Тула шаҳрига «Қаҳрамон шаҳар» унвони берилганда «Қорасув» совхози сабзавотчилик бригадасининг бошлиги Абдураҳим Шерматов КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев номига миннадорчилик мактуби йўллаб, унда ўзининг Тула учун бўлган жанг хотираларини, урушдан кейинги мөхнат фаолиятини, бригадаси колективи ўнинчи беш йиллик топшириқларини бажариш учун олиб бораётган ишларни баён қилди. Совет давлати раҳбарининг Ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш йўлида ҳормай-толмай қилаётган хизматларига юксак баҳо берди. Эрта баҳор кунларининг бирида, бригада аъзолари карам экишаттанди йўтоқ Л. И. Брежневдан қўйидаги жавоб хати келди.

«Қадрли Абдурахим Шерматович! Ватанпарварлик ва юксак гражданлик ҳис-туйгулари билан тұлиб-тошған мактубингизни үқпіб, ғоят мамнун бўлдим.

Улуг Ватан урушида қатнашган, ҳозирги вақтда эса қишлоқ хўжалигида ғайрат билан меҳнат қилаётган Сизга Коммунистик партиямизнинг ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш, совет кишиларининг фаровонлигини ошириш йўлида сарфлаётган куч-ғайрати айниқса тушунарли ва қадрлидир. Мамлакатдаги ҳар бир меҳнаткашнинг зарборларча ижодий меҳнат қилиши мана шу умумхалқ ишига муносаб ҳисса бўлиб қўшилишига амин эканлигингиз билан мутлақо ҳақлисиз.

Абдураҳим Шерматович, Сизга, бригадангизнинг барча аъзоларига чин юракдан сиҳат-саломатлик, ўнинчи беш йилликда қабул қилган социалистик мажбуриятларингизни бажаришда катта-катта муваффақиятлар тилайман.

Хурмат билан, Л. И. Брежнев»

Бу мактуб бутун бригада учун зўр шодиёнага айланиб кетди. Шу муносабат билан совхозда бўлган митингда бригада колективи эски мажбуриятларини қараб чиқиб, янги оширилган мажбурият қабул қилди.

Абдураҳим ака Улуг Октябрдан аввалги ҳаётни билмайди. Лекин у замонлардаги дехқоннинг оғир турмуши ҳақида кексалардан кўп ҳикоялар эшитган. Узоққа бормай, Абдураҳим аканинг бобоси Эрмат аканни олайлик. Судйинпсо кампирнинг айтишича, Эрмат бува ҳам гавдали, ишлаб чарчамайдиган одам экан. Лекин у меҳнатга қанча полвон бўлмасин, қарз-ҳавола қилиб сотиб олган тўрут таноб еридан олған даромади рўзгорини тебратишга етмасди, бир умр судхўрлардан қарздор бўлиб ўтганди. Унинг ўғиллари, набиралари бағрига Улуг Октябрь туфайли шамол тегди.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги миллионлаб дехқонлар қатори Абдураҳим Шерматовнинг меҳнати

ҳам эл-юрт эътиборида. Мамлакат тинч, турмуш яхши, кўнгил хотиржам. Абдураҳим ака буларнинг ҳаммасини совет халқининг турмуш фаровонлигини ошириш, дунёда тинчликни мустаҳкамлаш йўлида тинмай кураш олиб бораётган Коммунистик партиянинг доносиёсати натижаси эканлигини яхши англайди. Партия ва ҳукуматнинг бу ғамхўрлиги, эътиборига жавобан янада унумли меҳнат қилиб, мамлакатимизда коммунистик мўл-кўлчиликни яратиш ишига улуш қўшишни ўзининг юксак гражданлик бурчи деб билади.

МЕХР

Анна Сергеевна Верзилинани илгари сиртдан танирдим. Тўққизинчи беш йиллик топширигини муддатидан икки йил аввал бажарганида газеталарда унинг портрети берилганди. Газета саҳифасидан кўринишидан анча шаддот, ўрта ёшлардаги аёл қараб турарди.

Кейинроқ Анна Сергеевна «Шогирд мураббийга тенглашсин» шиори остида икки ёш тўқувчини илгор ишчилар сафига қўшиш бўйича ташаббус бошлади.

Бу гоят илгор, истиқболли ташаббус эканлигини ҳар бир киши яхши англарди. Чунки, бу ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1978 йил) Пленумидаги путьди, шунингдек КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида таъкидлаб ўтилганидек, миллион-миллион кишиларнинг қалбига қўл солиб илҳомлантира оладиган, ҳақиқатда ҳам халқ орасида пайдо бўлган амалий ташабbusлардан эди. Менда Анна Сергеевна билан учрашиш, уни яқиндан билиш истаги пайдо бўлди. Буни қарангки, бу аёл билан учрашиб сухбатлашганимда у ҳақдаги дастлабки таассуротим нотўғри бўлиб чиқди. Рўпарамда очиқ, самимий рус аёли ўтиради.

Бир кун аввал Тошкент область партия комитети Анна Сергеевнанинг янги ташаббусини маъқуллаганди. Газеталар устоз ва шогирдларнинг портретлари, улар олган шахсий мажбуриятларини босиб чиқарганди. Донгдор ишчи область партия комитети бюро йиги-лишидан олган таассуротларини менга ҳаяжонланиб гапириб берди.

Анна Сергеевна аввал ўзи ишлаётган 1-цех ишчиларининг умумий мажлисида, кейин 2-фабрика, комбинат партия мажлисларида шогирдлари Антонина Молодова ва Светлана Фасхутдиновани илғор тўқувчилар сафига қўшишга ваъда берганидан кейин, устоз ва шогирдларни 1976 йил 11 январь куни область партия комитетининг бюро мажлисига таклиф этишди.

Бири Оққўрғонда, иккинчиси Ғалаба районида кечагина саккизинчи синфни битириб келиб, тўқимачилик комбинати ишчилари сафига қўшилган икки қизалоқ область партия комитетида ўз устозлари ёнидан бир қадам ҳам жилмай, тортиниб-қимтиниб туришарди. Уларнинг бундай катта идорада, салобатли, улуғсифат кишилар орасида биринчি бор бўлиши эди. Ҳар иккиси ҳам гапимиздан янгилишиб қолмасайдик, деб қўрқишарди. Ҳайрият, ундай бўлмади. Ҳар иккиси ҳам гапларини билиб-билиб гапиришди.

Аввал Светланага сўз беришди. У қисқа таржимаи ҳолини гапирганидан кейин, ҳозир тўқимачилик комбинатининг 2-тўқув фабрикасида устози Анна Сергеевна раҳбарлигига типовой нормадаги 24 станок ўрнига 26 станокни бошқараётганлигини, КПСС XXV съездини яхши меҳнат совғалари билан кутиб олажагини, 7 ноябргача 30 дастгоҳни бошқаришга ўтишга аҳд қилганлигики айтди.

Тоня янада юқоририоқ маррани кўзлади. У Улуг Октябрнинг 59 йиллигига қадар 33 та дастгоҳни бошқаришга ўтишга ваъда берди.

Охирида Анна Сергеевнага сўз беришди. У янги

йилдан 36 та ўрнига 48 та станокни бошқаришга ўт-
ганлигини, КПСС XXV съезди шарафига 1976 йилда
икки йиллик планни бажаришини айтаб, сўзининг
сўнгидай деди:

— Мен мураббия сифатида ўз билимим ва тажри-
бамни шогирдларим Антонина Молодова ва Светлана
Фасхутдиновага ўргатиш, уларда касбимизга, тўқима-
чилик ишлаб чиқаришига муҳаббат уйғотиш, бу ёшлар
маҳоратда илгорлар даражасига етишлари учун бутун
куч-ғайратимни сарфлашга аҳд қилдим.

Область партия комитети бюро аъзоларидан бири
савол ташлади:

— Анна Сергеевна, айтингчи, бу қизлар қапдаи
қилиб Сизга шогирд бўлиб қолишиди?

— Ҳар иккисини ҳам менга тасодифан шогирд бў-
либ қолишиди, дейиш мумкин.

— Қизларни алоҳида қобилиятли ёшлар дейиш
мумкинми?

— Ҳозирча мен уларда алоҳида қобилиятни кўр-
ганим йўқ. Ҳар иккиси ҳам комбинатимиздаги юзлаб
оддий ёшларимиз сингари. Менимча, гап уларга касб
сирларини яхши ўргатишда, меҳнат кишиси фазилат-
ларини сингдиришда қолган.

Ҳа, Анна Сергеевна партияниң мўътабар дарго-
ҳида — область партия комитетида сўзлаганда комму-
нист сифатида ҳақ гапларни айтди. Светлана билан
Тонянинг унга тасодифан шогирд бўлиб қолганлиги
ҳам, улар юзлаб, минглаб ёшларимиз сингари эканликлари
ҳам рост. Бу устоз ва шогирдларининг дўстлашу-
виини ўйлаганингда, рус файласуфларидан бирининг
тасодиф икки қонуниятнинг тўқнашувидан келиб чи-
қади, деган гапи эсга келади.

Ҳозир кўплаб ёшларимизнинг ишчилар синфи са-
фига келиб қўшилаётганлиги ҳам, улар ҳеч бир кол-
лективда ҳеч қачон эътиборсиз қолмасликлари ҳам
ҳаётимизнинг оддий қонунлари бўлиб қолди-ку. Қе-

линг, яххиси бўлган воқеани бошидан гапириб бера қолайлик.

Антонинага тўқувчилик она касб. Онаси Мария Ивановна урушдан кейинги йилларда Фарғонадаги тўқимачилик комбинатида ишлаган. 50-йилларда у Янги-йўлдаги опасиникига меҳмонга келиб, Алексей исмли йигит билан танишиб дўстлашди. Кейин улар турмуш қуришди.

Алексей Оққўрғондаги Навоий номли колхоз фермасида ишлаб, шу ерда яшарди. Шундай қилиб, фарғоналик тўқувчи қиз оққўрғонлик бўлиб қолди. У ҳам колхоз фермасида ишлай бошлади. Аммо тўқувчилик касбига бўлган муҳаббат бир умр Мария Ивановнанинг қалбида қолди. Ажабмаски, оиласдаги тўнғич қиз Тонядаги тўқувчилик касбиغا ҳавас ҳам онасидан ўтган бўлса.

1974 йилда саккизинчи синфни битириш арафасида Тоня Тошкент тўқимачилик комбинати қошидаги 85-ҳунар-техника билим юртига ўқувчилар қабул қилиниши ҳақидаги эълонни ўқиб ҳаяжонланиб кетди, қалбидаги орзунинг амалга ошиши учун имконият туғиляётганлигидан суюнди. Уйига бориб, тўқувчин бўлгиси борлигини ота-онасига айтди. Ўйдагилар ҳам қизнинг шаштини қайтаришмади.

— Тўқувчилик энг қадимий, энг ажойиб касб, майли, бориб ўқийқол,— деди онаси.

— Одамнинг яхши ҳаёти, роҳати касб-ҳунар билан. Ҳунар ўрганишни ният қилибсанки, кам бўлмайсан, қизим,— деди отаси.

Шундай қилиб, Антонина 1974 йилнинг кузида Тошкентдаги 85-ҳунар-техника билим юртига келиб кириб, келаси йил ёзида уни муваффақиятли битирди. Комбинатда ишни бошламоқчи бўлиб турганда эса қутимаганда кўричак бўлиб қолди. Операциядан яхши чиқиб, бир ойда батамом согайиб кетганига қарамасдан, 2-тўқув фабрикаси 1-цехи раҳбарлари кўриниш-

дан мүртгина бу қизни аяшди, унга алоҳида станоклар ажратиб беришга шошилишмади.

— Бир ой, ярим ой ким ишга келмаса, ўшанинг ўрнида ҳоли-қудрат ишлаб турасан, ўзингни уринтириб қўйма, қизим,— деди цех бошлиғи Галина Ивановна Петренко.— Алоҳида иш жойини кейинроқ ажратиб берамиз.

Шундай қилиб, Тоня дам у, дам бу комплектда ишлаб юрганида Анна Сергеевна билан танишиб қолди. Бу ҳақда устозининг ўзи шундай ҳикоя қиласди:

— Менга қўшни комплектдаги тўқувчи бетоб бўлиб қолганида, ўрнига Тоняни қўйиши. Шунда мен қизнинг ишлашига, юриш-туришига разм солдим-у, ёшлигимни топиб олгандай бўлдим. Қиз дастгоҳларни ишлатишдаги технологик тартибни яхши билар, етарлича назарий билимга эга эди-ю, лекин уни амалда тадбиқ этишга қийналарди. Тажрибали ишчилардан маслаҳат сўрашга эса, ундаги ийманчоқлик йўл бермасди. Мен ҳам ёшлигимда шундай эдим...

Анна Сергеевна қиздан ёрдамини дариг тутмади. Унинг илтимосини кутмай, қўли ишдан бўшади дегунча ёнига бориб, зарур йўл-йўриқлар бера бошлади. Ишлаб чиқариш суръатини оширишда аввало станокда ип узилишининг олдини олиш энг муҳим әканлигини тушунтирди, станокларни тўхтатмай узилган ипларни тез-тез ва соз улаш йўлларини кўрсатди. Шундан кейин Тоня бошқараётган дастгоҳлари сонини секин-аста кўпайтириб борди.

Анна Сергеевна қизни қўшни комплектда мунтазам ишлашга қолдиришларини сўраганди, бошлиқлар рози бўлишди. Лекин бир сменада ишлаганда ҳам ўз дастгоҳларингни бошқариб, ҳам шогирднинг ишини кузатиб боришга вақт топиш бари бир оғир эди. Шундан кейин Анна Сергеевна яна бошлиқлар билан маслаҳатлашиб, Тоняни яна бир шогирди — Светлана Фасхутдинова ишлаётган икинчи сменага ўтказишга келишди.

Энди сменада бир-икки соат қолиб, шогирдлар билан хотиржам шуғулланиш мумкин эди.

Анна Сергеевнанинг болалиги етимликда, ота-она меҳридан бебаҳра бўлиб ўтди. 1948 йилда Фрунзедаги болалар уйидан Тошкентга келиб, тўқимачилик комбинати қошидаги фабрика-завод таълим мактабига кириб ўқиди, кейин комбинатда ишлай бошлади. У шу ерда чинакам меҳрибон кишиларни топди. Улар Анна учун ҳам ота, ҳам она вазифасини ўташди, уни яашашга ўргатишди. Шу боисдан ҳам Анна Сергеевна ўзини комбинат фарзанди ҳисоблайди. У шу ерда меҳнат қилиб ўз бахтини топди. Анна Сергеевнанинг ўз корхонаси, колективига бўлган меҳр-муҳаббати бир олам, Унинг шогирдларига бўлган муҳаббатини колективига бўлган муҳаббатининг бир бўлраги деса бўлади.

Илгор ишчидан ёшларни тарбиялашни ҳеч ким, ҳеч қачон илтимос қилган эмас. У ҳамиша бу ишни қалб амри билан қиласди. У Светлана Фасхутдиновага устозлиқ қила бошлаганида ҳам худди шундай бўлди. Светлана Анна Сергеевнага ўтган йил кузда сменачи бўлиб қолди. Табиатан ўз, бир оз жizzакироқ бу қиз анча ғайрат билан ишларди-ю, лекин бир оз пала-партишлиги бор эди. Сменадан сўнг дастгоҳларни тозалаб, лозим бўлганларини арқоқ билан зарядлаб кетишни унтарди. Анна Сергеевна қиздаги бу нуқсон «болалик касали» эканлигини сезиб, унга кандай ишлаш кераклигини уқтира бошлади. Дастлаб Светланага унинг гаплари ёқинқирамай юрди. Кейинроқ Анна Сергеевна ҳақикатда ҳам фейдали маслаҳатлар берәётганлигини, пала-партишилиги ҳар икки сменадаги ишга ҳам зиён етказаётганлигини англағач, устозига ихлоси ортди.

Светлана ҳам комбинатга бир йил бурун ҳунар-техника билим юртини битириб келган. Уч-тўрт ой ишлаб тўқимачилик техникумининг сиртқи бўлимига кириб ўқиди.

1975 йилнинг кузида бутун мамлакатда КПСС XXV съездига қизгин тайёргарлик кетаётган, ўнинчи беш йилликнинг асосий йўналишлари лойиҳаси муҳокама қилинаётган, барча колективларда сифат ва самара-дорликни оширишнинг янги резервлари изланаётган пайтда Анна Верзилина смена мастери Ольга Емельянова Лобановага: «Цех ишчиларининг умумий мажлисида икки шогирдимни илгорлар сафига қўшиш ташаббуси билан чиқсан қалай бўларкин?» деди. Мастерга бу таклиф маъқул бўлди. Ахир, цеждаги жами ёшларга мураббийликни йўлга қўйиш билан колективда иш унумини ақалли бир процентга оширилгудай бўлса, фабрика ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида планга қўшимча 160 минг метр газламага эга бўларди. Бу ҳаракат бутун фабрикага, комбинатга ёйилса-чи?.. Мана сизга самарадорликни оширишнинг улкан резерви!

Анна Сергеевна цех ишчиларининг умумий йиғилишида янги ташаббус билан чиққанида, уни биринчи бўлиб тўқувчи Татьяна Олифриенко қўллаб-қувватлади. Кейин бу ташаббус бутун комбинатга, шаҳарга ва областга ёйилди.

Бугунги кунда комбинатда 850 меҳнат встерани мингдан ортиқ ёш ишчига касб ўргатмоқда. Юзлаб тўқувчилар типовой нормадагидан юқори зичлиқда ишламоқда. Корхонанинг машъал ишчиларидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, йигириувчи Буолма Жўраева, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, тўқувчи Лиция Казанцева, тўқувчилар Нина Ершова, Вера Солдатова, Дилбар Қулматова, Анна Сергеевна бошлаган ташаббусга қўшилиб, шогирдлар тарбиясига эътиборни кучайтиришяпти. Жумладан, донгдор йигириувчи Буолма Жўраева ёш йигириувчилар Райно Турсунова ва Бозоргул Юсуповага тажриба ўргатди. Бу қизлар комбинатга дастлаб келишганда типовой нормада белгиланган 1160 урчуқининг ярмини ҳам бошқаришга қийнали-

шарди. Мана, ҳозир улар меҳрибон мураббияларнинг кўмагида 1600 тадан урчуқни қийналмай бошқарадиган бўлиб қолишиди.

Тўқувчи Дилбар Қулматова эса Оққўргонда ўзи ўқиган мактабнинг 8—10-синфини битирган қизлардан 46 нафарини комбинатга бошлаб келди. Бу қизларнинг ўнинчи синфи битиргандаридан ўн икки нафари тўқув цехида битта бригада бўлиб, Дилбарга шогирд тушишди. 8-синфи тугатганлари эса комбинат қошидаги 85-ҳунар техника билим юртига кириб ўқиб, ҳозир комбинатнинг турли цехларида муваффақиятли меҳнат қилишяпти.

Корхонанинг қайси бир цехида бўлманг, ҳаммасида ўз касби сирларини пухта билган, тажрибали ишчилар ёшларга маҳорат сирларини, илгор иш усулларини ўргатишшашётганинг гувоҳи бўлиш мумкин. Бу борада айниқса ип фабрикасида қимматли ишлар амалга оширилаётир. Бу ерда мураббийлар фабрикага янги келган йигит ёки қиз билан алоҳида суҳбатлашиб, унинг қайси соҳага кўпроқ қизиқини, қобилият ва имкониятларини хисобга олишмоқда.

Фабрикада ўн етти кишидан иборат мураббийлар кенгаши ташкил этилган. Бу кенгаш ҳафталик ва ойлик иш планларига эга. Ҳар кварталда бир марта мураббийлар кенгаши ўтказилиб, қилинган ишларга якун ясалади, янги вазифалар белгиланади. Ёшларнинг мураббийлар ёрдамида меҳнатнинг илгор усулларини ўрганиши корхонада план топшириқларини муваффақиятли бажариш, қўшимча миллион метрлаб сифатли газлама ишлаб чиқариш имконини бермоқда.

Анна Сергеевна Верзилина шогирдлари Антонина Молодова ва Светлана Фасхутдиновани илгорлар сафига қўшиб, Тошкент область партия комитетидаги берган ваъдасини бажарганидан кейин, ёш тўқувчилар Ира Максимова, Гуля Акимова, Нина Силоновага ўз таж-

рибасини ўргатди. Ҳозир бу қизлар ҳам типовой нормадан юқори зичликда ишлаяпти.

Шогирдлар тарбияси билан шуғулланиш мураббия ишчининг меҳнат суръатларига заррача салбий таъсир кўрсатаётгани йўқ. У ҳамон 24 та ўрнига 48 та станокни бошқариб, вақтдан ўзиб меҳнат қиласяпти. Анна Сергеевна В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини етти йиллик топшириқни адо этиш билан кутиб олишга аҳд қилган.

Мураббия тўқувчининг корхонада меҳнат самародорлигини ошириш ва ёш ишчиларни тарбиялаш соҳасидаги хизматлари юқори баҳоламоқда. У Ленин ва Октябрь революцияси орденлари билан тақдирланган. 1977 йилнинг бошида тўқимачилар ўлкаси Ивановда бўлганида дастлабки беш йилликларнинг донгдор тўқувчилари опа-синги Мария ва Евдокия Виноградовалар мукофоти лауреати бўлди. Сал вақт ўтгач ҳамкаслари уни яна табриклиашди. Анна Сергеевна ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ёшлилар мураббийси» нишони билан тақдирланди.

ВЕТЕРАН

Муҳаммад ота урущ ветеранлари район Совети раисининг ўринбосарлигига сайланди-ю, кампири билан сўрини тагида базўр гурунглостиб ўтирадиган одатини тарк этди. Қачон қараманг қаёққадир шошаётган бўлади. Ахийри бир куни кампири: «Хой чол, бу нима қилиқ, шўро ҳукумати учун курашиб, кўкракни орден билан медалга лиқ тўлдирган бўлсангиз, соч-соқолингизнинг қораси иримига битта қолмаган бўлса, энди ёшларни дуойи-жонини айтиб, мени новвотли чойимни ичиб юрсангизчи. Нима, ёки қайнонам раҳматли Сизни кўчада туққанмиди? деганди, у: «Соддасанда, кампир соддасан, партиявий бурч нима, ёшлар тарбияси нима тушунмайсан» деб дашном бериб яна кўчага чи-

қиб кетди. Мұхаммад отанинг бир оёги күчада қолға-
ничаям бор. Бугун бир уруш ветеранининг илтимосини
бажариш лозим бўлса, эртага мактабга учрашува, ин-
динига ҳарбий хизматга чақирилаётган ёшлар билан
хайрлашув маросимиға бориш лозим бўлади. Тошкент
райони бўйича етти мингдан ортиқ йигит фронтга бо-
риб, шундан уч минг нафари омон қайтган экан. Ҳо-
зир шулардан атиги 1007 нафари қолибди. Бу табар-
рук кишиларни эъзозлаш, ҳурматлаш, уларнинг тур-
муш шароитини яхшилаш ҳақида ғамхўрлик қилиш,
қолаверса, уларнинг жасоратли ҳаёти мисолида ҳозир-
ги ёшларни имонли, инсофли, буюқ Ватанимизга чек-
сиз садоқатли қилиб тарбиялаш райондаги барча пар-
тия ва совет ташкилотлари қатори уруш ветеранлари
район Совети активистларининг ҳам муҳаддас вази-
фасидир. Мұхаммад ота буни яхши ҳис этади. Унинг
кейинги йилларда тиниб-тинчимас бўлиб қолганлиги-
нинг боиси шунда.

У кечагина ҳам генерал Собир Раҳимов номли кол-
хоздаги 14-ўрта мактабда ўқувчилар кучи билан таш-
кил этилган Собир Раҳимов музейининг очилиш маро-
симида қатнашди. Еолалар катта миқдорда экспонат-
лар тўплаб, ажойиб музей ташкил этишибди. Унинг
очилиш маросимиға колхоздаги уруш ветеранлари би-
лан бир қаторда, афсонавий генерални кўрган ва бил-
ган кишилар ҳам таклиф этилганди. Бу кишиларнинг
ҳар бири Собир Раҳимов ҳақидағи хотираларини га-
пириб бериб, ёшларни Ватанга биринчи ўзбек генера-
лидек хизмат қилишга даъват этишди.

Ёшлар олдида Мұхаммад Абдуллаев ҳам сўзлади.
У Собир Раҳимов билан учрашмаганди-ю, лекин фронт-
да анча вақт битта армияда бўлиб, Кавказ учун бўл-
ган жангларда қатнашганди.

56-армияда ўқчи полк командири бўлиб шуҳрат
қозонган полковник Собир Раҳимов 1942 йил 4 сентя-
брда Мұхаммад aka учун қадрдан бўлган 18-армияга

дивизия командири этиб тайинланди. Туапсе йўналишида ҳужумга ўтган немислар йўлида Собир Раҳимов командирлик қилган 395-дивизия тўғаноқ бўлди. Бу дивизия қўшинлари душманинг генерал-майор фон Букк қўмондонлик қилган 148-пиёда дивизияга қарши қўйилганди. Бу генерал Собир Раҳимов дивизиясини уч кунда бир ёқлик қиласман, деб мақтанганди. Аслида генерал-майор фон Букк уч кун эмас, уч ой давомида ҳам полковник Раҳимов дивизиясини эгаллаган маррасидан чекинтира олмади. Аксинча, 148-немис пиёда дивизияси ёрдамчи кучлар олганига қарамай, батамом мағлуб бўлди. Фон Букк ва унинг барча офицерлари ер тишлади. Ўшанда 395-дивизиянинг жанговар фаолияти ҳақидаги ҳикоялар 18-армиядаги ўзбек жангчилари ўртасида тилдан тилга ўтганди.

Бу пайтда Муҳаммад ака хизмат қилган 176-ўқчи пиёда аскарлар дивизияси Армавир шаҳри яқинида мудофаада турарди. Январь ойи охирида дивизияни янги жойга кўчириш ҳақида буйруқ бўлди. Унинг ўрнини янги кучлар эгаллади. Дивизия қўшинлари туни билан йўл юриб, Кавказнинг қорли тоғ тизмаларидан ошиб ўтиб, эрталаб Қора денгиз бўйидаги Геленжик шаҳрига этиб келишди. Шаҳар портини, атрофини немислар бомбардимон қилиб вайрон қилиб ташлашган, шунинг учун тахтадан омонат порт ишлаб қўйилганди.

Тушдан кейин дивизия қўшинлари сафланди. 18-армия қўмондони генерал лейтенант Н. Леселидзе, армия сиёсий бўлимни бошлиғи полковник Л. И. Брежнев дивизия тоғли жойларда душманга қарши жанг қилишда яхши тажрибага эга бўлганлиги учун Новороссийскини озод этиш учун Гаман ярим оролига десант қилиб ташланишини маълум қилишди. Дивизияга Новороссийскнинг жанубидаги Мисхако бурунини эгаллаш вазифаси топширилди. Шундан кейин воқеаларнинг бориши Л. И. Брежневнинг «Кичик ер» китобида қуидагигча баён қилинади. «1943 йилнинг 3 февралидан

4 февралига ўтар кечаси жуда қоронғи эди. Десантчилар түшіган катерлар Геленжикдан оқиста Цемес құлтиги томон йўлга чиқишиди. Улар катерлар тарқаладиган пунктдан берилган ракета сигналлари билан соҳилга қараб боришаради. Айни шу пайтда илгари ўққа тутилған соҳил бўйлаб бизнинг артиллериямиз ўт очди. Снарядларнинг даҳшат билан патир-путур портлашига «катюша»ларнинг оловли залпи қўшилиб кетди... Иккита торпедо катери катта тезликда юриб, десант кемалари йўлини кесиб ўтди ва уларни қиргоқдан отилиб турган снарядлардан яшириш мақсадида қуюқ тутун чиқарди. Қўриқловчи катер балиқ заводи районини ўққа тутиб, душманнинг ўт очиш нуқталарини емира бошлади. Бу нуқталар артиллери яхужумидан сўнг қолган-қутгани эди. Куниковчилар соҳилга ташланган пайтда бизнинг батареяларимиз ичкарини ўққа тута бошлади...

Чалғитувчи десант кўмакчи десантга айлантирилди, кейин энг асосий десант бўлиб қолди. «Кичик ер» эпопеяси ҳам ана шундан бошланди... Беш кундан сўнг Станичка ва Мисхако районларида ўн етти минг жангчи бор эди».

Геленжик билан Мисхако буруни ораси денгиз орқали 32 километр. 176-дивизия қўшинлари соҳилнинг белгиланган жойига куниковчилардан кейин бир-бир ярим соат ўтгач яқинлашишиди. Ёмғир шувалаб уриб турар, душман ҳам дамба-дам проҗекторларни порлатиб, бетиним ўқ ёғдиарди. Қизил аскарлар тушган катерлар соҳилга яқинлашиб, 200—300 метрча қолганда сув саёзлиги учун сузолмай қолди.

Шунда:

— Сувга сакранглар! — деб команда берилди.

Ҳамма сувга сакради. Сув баъзиларнинг кўкрагидан, баъзиларнинг белидан келди. Қизил аскарлар қуролларини баланд кўтарган ҳолда олға интила бошлишиди. Шунда Мұхаммад ўнг томонида «Ёрдам, ёрдам

беринг!» деган товушни әшилди. Бориб қараса, грузин дўсти Сергей Рихвашилиниңг елкасига ўқтегибди. Муҳаммад унинг қўлини елкасидан ўтказиб судраб, ҳансирай-ҳансирай бир амаллаб қиргоқча чиқди.

Қизил аскарлар чиққан жой 4—5 метрлар чамасидаги жарлик бўлиб, сувдан омон чиққанларниң ҳаммаси шу жар остига тизилиб нафас ростлашди. Душман отган ўқлар энди уларниң устидан ўтиб сувга тушарди.

Ўнг томонда—соҳиљнинг юқорига чиқиш мумкин бўлган жойида душман пулемёти ўрнашиб олганди. Шунинг учун рота командири у ердан чиқишини хавфли ҳисоблаб, солдатларга жонли «нарвон» ҳосил қилишни буюрди. Жарлик остига марғилонлик полвон йигит Аҳмаджон Қорабоев туриб, куйбишевлик Володя Попов унинг елкасига чиқди. Поповнинг елкасига ихчам ва чайир Муҳаммад чиқиб, тирмашиб юқорига кўтарилди. Сўнг у белидаги тасмани узатиб, пастдан беш йигитни тортиб олди. Командир бу йигитларга пулемётнинг овозини ўчиришни топширди.

Учакишгандай ёмғир кучайиб кетди. Жангчилар тим қоронғида эски траншеядан юриб, пулемёт овози чиқаётган томонга әмаклаб кетишиди. Пулемёт товуши, фашистларниң овози әшилилаётган жойга яқинлашганда Муҳаммад йигитларга орқада қолишни имлаб, қўлида икки граната билан олдинга яна ўн-ўн беш қадам әмаклади. Кейин кетма-кет икки гранатани иргитиб, ўзини траншея тагига отди. Орқадагилар автоматларни ишга солишиди.

Пулемёт нуқтаси яксон қилингач, йигитлар осмонга кўк ракета отиб, жар остидагиларга сигнал беришиди. Ҳамма жангчилар юқорига кўтарилиб, буйруқча биноан хандақлар қазиб жойлашиб олишиди. Орадан сал вақт ўтгач ёрдамга келган немис автоматчилари билан жанг бошланиб кетди. Душман қанчалик жон-

жаҳди билан қаттиқ қаршилик кўрсатмасин, барибир чекинишга мажбур бўлди. Тушга яқин совет қўшинлари Қора дengiz бўйлаб 4 километр кенглика 2,5 километр ичкарига кириб бориб, мустаҳкам ўрнашиб олди. Бу совет жангчилари ишғол қилган, кейинчалик тилларда достон бўлган «Кичик ер» эди.

— Шу тунгги маشاққат, даҳшат кишиларга шу қадар қаттиқ таъсир қилдики,— дейди Муҳаммад ака,— бир кунда кўпгина йигитларнинг соchlари оқариб кетди...

Лекин бу тун 225 кунлик маشاққатнинг дастлабкиси эди. Бу ҳақда ҳарбий журналист, Совет Иттифоқи Қаҳрамони С. А. Борзенко шундай ёзган: «Кичик ер» мардлик ва жасорат маскани бўлиб қолди. Қасос олиш иштиёқида ёнаётган кишилар ўша томонга ошиқадилар. Новороссийск яқинидаги плацдармга тушган кишилар қаҳрамонга айланарди. Бу ерда бомба, мина ва снаряд тушмаган бир метр ҳам соғ жой қолмади. Етти ой мобайнида душман самолётлари ва тўплари ернинг узунасига ва кўндалангига тупроғини ўйнатди, биронта тирик жон—ҳайвон, парранда, шунингдек дарахт, ўт-ўлан қолмади. Фақат совет жангчилари бу ҳужумга дош бердилар».

— Кечаси-ю кундузи траншеяда яшаб жанг қилдик,— деб ҳикоя қиласи Муҳаммад ака.— Бизнинг траншеяларимиз билан душман траншеялари оралиғи 80—90 метрча эди. Айниқса, 10—17 апрель кунлари даҳшатли жанглар бўлди. Сурункасига 8 кун осмонда гитлерчиларнинг 1500—2000 бомбардимончи самолётлари пайдо бўлиб, устимизга бомбалар ёғдиради. Кечалари душман қирғоққа ёритувчи снарядлар отиб ёки «Фийке-вульф» самолётларида (биз бу самолётни «Рама» дердик) люстлар ташлаб, ҳамма ёқни кундузгидек ёритиб миномёт ва тўплардан тинмай ўққа тутарди. Шунинг учун пароходларимиз қирғоққа яқинлашолмай, соҳилдан 11—12 километр ичкарида тўх-

тар, келтирилган ўқ-дори, озиқ-овқатларни денгизчи-лар моторли қайиқларда қирғоққа ташишарди. Бу қайиқларнинг ҳам бир қисми снаряд тегиб денгизга гарқ бўлиб кетарди. Лекин кураш ҳар қанча оғир бўлмасин биз ўзимизни «Катта ер» дан узилиб қолган ҳис қилмадик. Константин Николаевич Леселидзе, Леонид Ильич Брежнев тез-тез келиб, иссиқ-совуғимиздан хабар олиб туришди. Л. И. Брежневни туғишган кишимиздай яхши кўрардик. У кишининг юморга бой, жонли, мазмунли сұхбатлари кўнглимизни кўтарар, душманга нафратимизни кучайтиради.

«Кичик ер»да партия сафига кирувчилар сони кун-ма-кун кўпайиб борди. Партияга кириш учун тавсия-номага «Кичик ерда жанг қилмоқда», деб ёзишнинг ўзи етарли эди. Муҳаммад ака ҳам партия сафига шу ерда ўтди. У коммунист деган шарафли номга эга бўлганидан кейин янада зўр матонат билан жанг қилди.

1943 йилнинг 20 июли. Муҳаммад аканинг партия билети олганига уч-тўрт кун бўлган. Батальон командири у билан оддий жангчи Аҳмаджон Қорабоевни тунда ҳузурига чақириб, шундай деди:

— Ийитлар, эшитаётгандирсизлар, немислар бизни куч билан енголмасликларига ақллари етиб, ташвиқот билан қўлга олишга ҳаракат қилишяпти. Но маълум бир рус аёли репродуктор орқали вахима гаплар айтиб, хоинликни тарғиб қиласяпти, русча қўшиқлар айтяпти. Сизларга мана шу аблажнинг овозини ўчириши топшираман.

Бу Муҳаммад акага коммунист бўлганидан бери берилган энг масъулиятли топшириқ эди.

Аёл траншеяда ўтириб гапирав, жангчиларимизга ҳеч қорасини кўрсатмасди. Уни ўлдириш учун қаддини кўтарган пайтини пойлаш керак эди. Душман траншеяси снаряд ўқлари дарахтларини белидан чўрт-чўрт узиб, ағдар-тўнтар қилиб ташлаган акасзор бўйлаб

кетиб орқага ўтган, кейин яна ўнг томонга чўзилиб кетганди. Акасзор орқасига ўтганда траншея иккига айрилиб, бир тармоги шаҳар ичкарисига кириб кетарди. Аёлни аниқ нишонга олиш учун мана шу шаҳар ичкарисига кириб кетадиган траншея кўринадиган жойга бориб олиш керак эди. Фашистлар шу ерда траншеядан бош кўтариб юришга журъат этишарди. Икки ўзбек йигити автоматни снайпер милтигига алмаштириб, душман тез-тез ракета отиб турганлигига қарамасдан, акасзордан 50—60 метрча ўнг томондан олга эмаклаб кетишиди. Шаҳарга борадиган траншея кўринадиган жойга етиб, снаряд ҳосил қилган чуқурга тушиб, душман томонни ўт-ўлан билан маскировка қилиб ётишиди. Бу ер бизнинг қўшинлардан ҳам кўра исмисларга яқинроқ эди. Тонг отди. Ўртадаги отишма яна кучайди. Муҳаммад билан Аҳмаджон шаҳар йўлидан бир минут ҳам кўз узмай тикилиб ётишарди. Лекин аёл киши хеч кўринмади. Faқат скшом Муҳаммад дурбин билан қараб, траншея ажralадиган жойда уч киши пайдо бўлганлигини кўрди. Улардан иккиси немис офицери, бири аёл киши эди. Муҳаммад мўлжални аниқ олиб, милтиқ тепкисини босди. Аёл траншеяга ағдарилди. Офицерлар ўзларини панага олишиди. Бир оздан кейин офицерлардан бири аёлни кўтармоқчи бўлди чамаси, траншеядан елкадан юқориси кўринди. Шунда Аҳмаджон узган ўқ уни ҳам ер тишлатди. Иккичи офицер ўзини кўрсатмади.

Тунда йигитлар катта қийинчилик билан орқага қайтишиди. Шу кундан бошлаб репродуктордан аёлнинг товуши эшитилмай қолди.

Совет қўшинларининг 1943 йилнинг 16 сентябридағи катта ҳужуми ғалаба билан тугади. Новороссийск душмандан озод бўлди. Шундан кейин Муҳаммад Абдуллаев қисқа муддатли курсда ўқиб, лейтенант бўлиб қайтди ва урушнинг охиригача батальонга командирлик қилди. У 18-армия қўшинлари сафид жанг

қилиб, Украина, Польша, Руминия, Чехословакияни немис-фашист босқинчилардан тозалашда қатнашиб, урушни Прагада тамомлади. 1946 йилда ҳарбий хизматдан қайтди.

Ҳозир Ўзбекистонда 18-армия сафида жанг қилиб, омон қолган кишилардан саккиз нафари яшаяпти. Шулар орасида фақат Мұхаммад Абдуллаевгагина дастлабки кундан то Новороссийск озод әтилганга қадар Кичик ерда бўлиш насиб этган. У бошқа қуролдош дўстлари қатори КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежнев билан бутун Улуғ Ватан уруши давомида душманга қарши бир сафда курашганлиги билан фахрланиб юради.

Мұхаммад ота ҳар ким ҳавас қиласа арзийдиган ҳаёт йўлини босиб ўтган. У Тошкент Давлат педагогика институтини урушдан аввал битириб, ўзи туғилиб ўсган Келес посёлкасидаги 12-ўрта мактабда муаллимлик қила бошлади. Фронтдан қайтгач эса, унга шу мактабга бошчилик қилишни ишониб топширишди. Урушдан кейинги дастлабки йилларда 12-мактабнинг моддий базаси камбағал эди. Мұхаммад Абдуллаев мактабга директорлик қилган йигирма йилдан ортиқ вақт мобайнида маҳаллий кадрлардан ўқитувчилар тайёрлашга, мактабнинг моддий базасини мустаҳкамлашга, таълим-тарбия ишлари сифатини яхшилашга эътибор берди. Ҳозир бу ерда бўлган киши бунга тўла ишонч ҳосил қиласди. Урушдан кейинги йиллари 500 ўқувчиси бўлган мактабда ҳозир 1300 дан ортиқ бола таълим оляпти. Бу ерда меҳнат қилаётган 84 ўқитувчининг 32 нафари Мұхаммад отанинг қўлида ўқиган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, уруш ветерани кек-сайиб қолганига қарамай ҳамон сафда. У мактабда дарс беришдан ташқари, Тошкент район уруш ветеранлари Совети раисининг ўринbosари вазифасида ишлаб, ёшларни ватанпарвар, партия ва халқ ишига садоқат-

ли қилиб тарбиялаш борасида катта ишларни амалга оширияпти.

Бу ҳақда Тошкент район партия комитети агитация ва пропаганда бўлимининг мудири Абдулла Қурбонов шундай дейди:

— Мехнаткашлар онгида, биринчи навбатда ёш авлодда Совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм, Советлар мамлакатидан, Ватанимиздан фахрланиш туйғуларини тарбиялаш ҳамиша партия ташкилотларининг муҳим вазифаси бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Бу ишда район партия комитетига жамоатчилик асосида ташкил этилган уруш ветеранлари район Совети активистлари бебаҳо ёрдам кўрсатишяпти. Райондаги ҳеч бир мактабда, корхона ва ташкилотларда ҳарбий ватанпарварлик мавзуига бағишлиланган йиғинлар, ёшларни Совет Армияси сафларига кузатиш маросимлари уларнинг иштирокисиз ўтмайди. Ветеранларнинг Үлуг Ватан уруши воқеалиари ҳақидаги жонли ҳикоялари ёш авлодда ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда, уларни партия ва халқ ишига садоқатли қилиб тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг Ленин мукофотига сазовор бўлган «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» асарлари мамлакатимиз жамоатчилиги томонидан кенг муҳокама қилинган пайтда Муҳаммад ота бир кун ҳам тиним билмади. У киши аввал Тошкент облости партия комитети томонидан мазкур асарлар муҳокамасига бағишилаб ўтказилган семинар-конференцияда нутқ сўзладилар. Қеъин шундай конференциялар район миқёсида, мактабларда, колхоз ва совхозларда ҳам бўлди. Муҳаммад ота бу йиғинларнинг ҳаммасида иштирок этди. Район газетасида «Кичик ер» асари ҳақидаги ўз таассуротларини сълон қилдирди.

1973 йилда Новороссийск шаҳри немис-фашист босқинчиларидан озод этилганлигининг 30 йиллигидаги шаҳар партия комитети ва меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Совети ижроия комитети уруш ва меҳнат ветеранига қуидаги табрикномани юборди: «Қадрли Мұхаммад Абдуллаев! Совет Иттифоқи Коммунистик партияси шаҳар комитети, меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Совети ижроия комитети биринчи даражали Улуг Ватан уруши орденли Новороссийск шаҳри меҳнаткашлари номидан Сизни шонли байрам — немис-фашист құшынларининг Новороссийскда тор-мор этилганлигининг ўттыз йиллиги билан қызығы табриклайди.

Сизнинг Улуг Ватан уруши йилларида Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида кўрсатган мардлигингиз ва жасоратингиз миннатдор авлодлар хотирасида абадий қолади.

Мана шу тантанали кунда Сизга мустаҳкам соғлиқ, баҳт-саодат, КПСС XXIV съезди қарорларини амалга оширишдаги, ёшларни совет халқининг жанговар анъ-аналари руҳида тарбиялашдаги ишларингизда катта муваффақиятлар тилаб қоламиз!»

Яқинда эса Мұхаммад ота ўрта мактабда ўқиидиган иккى набираси билан Кичик ерга борди. Ўша унтилмас 1943 йилнинг 3 февралида қирғоққа тушган жойларини набираларига кўрсатди, совет кишиларининг қоини билан сугорилган мүқаддас ерни биргалашиб ҳам энига, ҳам бўйига қезишди, Новороссийск соҳиллари бўйлаб катерда саёҳат қилишди, суратга тушиди. Болакайлар бу ажойиб саёҳат ҳақидаги таассуротларини мактабдош дўстларига ҳали кўп мартараб сўзлаб беришади.

МУРАББИЙ

Синфда тарих дарси давом этарди. Ўттиз чогли ўқувчи сукут сақлаб, қалин, жингалак соchlарига оқ

оралаган, басавлат, олтмиш ёшлар чамасидаги муаллим Раҳимжон Ёқубжоновнинг марузасини мириқиб тинглашарди. Мана ўтиз уч йилдирки, бу киши она қишлоғи Хонободдаги мактабда тарихдан дарс беради. Ўз фанини Раҳимжон акадай севадиган муаллимлар кам топилади. Ўз мамлакатимиз ўтмишига оид воқеалар: буюк озодлик урушлари, ҳалқ ғаләёнлари, меҳнаткашлар бошидан кечирган жабр-ситамларни болаларга соатлаб гапиришдан чарчамайди. Айникса, мамлакатимизнинг энг янги тарихини — 30 йиллар, Улуғ Ватан уруши воқеаларини ғоят тўлқинланиб ҳикоя қилади. Чунки у бу воқеаларнинг жонли гувоҳи, иштирокчиси бўлган.

Бир куни Раҳимжон ака Улуғ Ватан уруши темасини ўтаётганида ўқувчилардан бири: «Урушдан Сизга нималар эсадалик бўлиб қолган?» деб сўрадик. Раҳимжон ака битта ордени, бешта медали, дивизия командирининг бир неча раҳматномаси борлигини айтди. Ўқувчи бошқа яна нималари борлигини сўради. Раҳимжон ака эртаси куни муқоваси титилиб, варақлари сарғайиб кетган, ўқ тешган дафтарчани олиб келди. Болалар бу дафтарчани худди муқаддас нарсадай бир-бир қўлга олишиб, ҳаяжон ва ҳавас билан кўздан кечиришди.

Ёқубжонов бу ён дафтарни 1941 йилда Тошкентдаги Ленин номли ҳарбий билим юртида ўқиб юрганида тува бошлаганди. Кейин бу дафтарча унга беш йил йўлдош бўлди. Унинг иккинчи бетига қуйидаги сатрлар битилган:

Гар фалак жиссимин айласа барбод,
Шу жонсиз руҳ ила қилурсиз ёд.

Кундаликни кўнгил ойнаси дейишади. Чунки уни ёзганда киши ўзи билан дилдан сўзлашади. Лекин болалар қўлидаги дафтарча кундалик эмас. Унга

урушдан аввал касби муаллимлик бўлган ёш офицер-нинг қисқа-қисқа таассуротлари, фикрлари, қўшиқ текисларидан ташқари, ҳарбий хизмат билан боғлиқ турли маълумотлар, ёр-биродарларнинг адреслари ҳам битилган. Аммо дафтарчадаги ана шу узуқ-юлуқ гапларни ўқиб туриб ҳам ортиқча изоҳсиз унинг эгаси ёш, завқли, Ватанини беҳад севган, галабамизга ишонган йигит бўлганлигини ўқувчилар билиб олиши мумкин эди. Мана ундан намуналар:

«Мен Қизил Армия командири бўлганим учун жуда қувонаман. Ўзимнинг баҳти Совет ёшларидан эканлигим билан эса фахрланаман».

«Наполеон Россияяга 575 минг кишилик қўшин билан бостириб кирган эди. Ўт ичида қолган Мәсквани эса 110 минг жангчи билан ташлаб чиқди. Смоленска борганда 60 минг жангчиси, рус чегарасига борганда эса 30 минг жангчиси қолганди... Гитлерчиларнинг қисмати бундан ҳам оғир бўлади».

Раҳимжон Ёқубжонов уруш бошланиши билан ҳарбий хизматга чақирилди. Республикада тузилган ўзбек дивизиясида озгина тайёргарликдан ўтгач, Тошкентдаги Ленин номли ҳарбий билим юртига ўқишга юборилди. У бу билим юртини 1942 йилнинг охирида бир группа ўзбек йигитлари қатори битириб, Фарғонадаин запасдаги 2-ўзбек полкида хизмат қилди. Ўша пайтда Фарғона водийисидан ҳарбий хизматга чақирилган йигитларнинг асосий қисми шу полкда ҳарбий тайёргарликдан ўtkазиларди. Раҳимжон Ёқубжонов икки йилча ўзбек полкида ротага командирлик қилиб, фарғоналик йигитларга ҳарбий илмни ўргатди. Кейин 1944 йилнинг ёзида ўзи ҳам фронтга жўнаб кетди.

1945 йилнинг февраль ойи бошларида 1-Белоруссия фронти Висла-Ордер операциясини амалга оширишга киришди. Шу фронт ихтиёридаги 70-армиянинг 160-дивизиясидаги 1295-ўқчи полкнинг майор Сергей Заболотний командирлик қилган батальон жангчилари

8 февраль тунида музлаган Висладан секин-аста ўтиб, қўйқисдан душман плацдармига ҳужум қилишди. Тўсатдан қилинган ҳужум немисларни эсанкиратиб қўйди. Улар ўзларини ўнглаб олишга улгурмай, орқага чекинишга мажбур бўлишди. Баталъон жангчилари зиммасига душман қисувига бир-икки кун бардош бериб, асосий қисмларимизни, ҳарбий техникани дарёдан ўтиб олиши учун имкон яратиш вазифаси юклатилганди. Баталъон кўп жангчиларни йўқотишига қарамай, бу вазифани шараф билан бажарди. Айниқса, Раҳимжон Ёқубжонов командирлик қилган пулемётчилар ротаси душманни ярим чақиримчага суреб ташлаб, қизил аскарларнинг дарёдан эсон-омон ўтиши учун яхши қулайлик яратди. Дастрлабки тундаёқ асосий кучларнинг деярли ҳаммаси Висладан олиб ўтилди.

9-февраль тонг саҳарда қизил аскарлар қаттиқ артилерия тайёргарлигидан сўнг яна ҳужумга ўтишди. Шунда старший лейтенант Раҳимжон Ёқубжонов жангчилар олдида жон-жаҳди билан югуриб кетаётганда ўнг оёғига ўқ тегди. Ўқ шимининг чўнтағидаги дафтарни тешиб ўтиб, сонига санчилганди. Мана ўттиз беш йилдирки, у бу дафтарни буюк урушдан ноёб эсдалик сифатида авайлаб асраяпти.

У ҳарбий хизматдан 1947 йилда қайтиб, Тошкент область Калинин районидаги ўзи туғилиб ўсган Хоно-бод қишлоғидаги 25- мактабда илмий бўлим мудири бўлиб ишлаб, тарихдан дарс бера бошлади. Бу пайтда 25-мактабда Раҳимжон аканинг болаликдаги дўсти, ундан икки йил аввал ҳарбий хизматдан қайтган Фулем Имомназаров директорлик қиласади. Раҳимжон aka мактабга ҳарбий шинелда дарс бергани келган куни икки дўст бўм-бўш синф хоналаридан бирида бир партада ёнма-ён ўтириб, ўтган кунларни эслашди.

...1930 йилда Хоно-боддаги қулоқлар қувгин қилингандан сўнг қишлоқда «Инқилоб» колхози тузилди. Шу кезларда қишлоққа чарм шапкали одам ке-

либди, янги мактаб очиб, ёш-у қарини бепул ўқитармиш, деган овоза тарқалди. Бу чарм шапкалик «коғир» қишлоққа республика маориф халқ комиссариатининг йўлланмаси билан борган биринчи муаллим Абдуманноп Рассоқов эди. Бу киши Хонободдаги мактабда уруш бошлангунга қадар ишлаб, қишлоқ кишилари қалбida эзгу таассуротлар қолдирган.

Абдуманноп Рассоқов қулоқ қилинган Муллана-сиббойнинг ҳовлисида янги мактаб очиб, кундузи болаларни, кечқурун эса еттинчи лампанинг хира нурида кишлоқдаги саводсиз ва чала савод кишиларни ўқита бошлади. Мактабнинг директори ҳам, илмий бўлим мудири ҳам ўзи бўлди. Дастлабки кезларда доска ўрнига катта гирдим патнисдан, бўр ўрнига кесакдан фойдаланишга тўғри келди... Бу гапларни ҳозирги ёшларга айтсанг афтиннга ишонқирамай тикилишади...

1937 йилда хонободлик ўн тўрт бола мактабнинг еттинчи синфини тамомлаганда, бу воқеа кишлоқда катта тантанага айланиб кетди. Шу муносабат билан мактабда бўлиб ўтган кечада Абдуманноп aka болаларга карата гапириб, шундай деди:

— Совет мактабининг асосий вазифаси ҳар томонлама вояга етган, маълумотли ва маданиятли кишиларни, коммунистик жамиятнинг актив қурувчилари ни тарбиялаб етиширишдан иборатдир. Сиз ёшлар, қишлоғингиздаги биринчи совет мактабининг қалдиргочларисиз. Ҳали сизнинг олдингизда яна катта ҳаёт синовлари турибди. Эҳтимол, бирингиз муаллим, бирингиз врач, яна бошқа бирингиз инженер бўларсиз. Аммо ҳаётда қандай касбни танламанг, аввало инсон бўлинг, ҳамиша эл-юртингизга, халқингизга садоқат билан хизмат қилишни унутманг...

Ҳа, улар ўн тўрт нафаргина эдилар. Жонажон мактабларини тарқ этишгач, бу ёшлар ҳаёт сўқмоқларилан турли тарафга қараб кетишли. Кўплари Улуг Ватан уруши фронтларида Ватанимиз озодлиги йўлида

ҳалок бўлишди. Аммо иккитасининг тақдири худди тиниқ сув томчиларида бир-бирига ўхшаш бўлди. Булар болалиқдан бир кўчада «ошиқ ўйнаб» катта бўлган, етти йил бир партада ўтирган Ғулом билан Раҳимжон эди. Еттинчи синфни битириув кечасида икки ўртоқ устозлари Абдуманноп Рассоқовдай мураббий бўлишни, мана шу қийин ва мўътабар касбга ўз умрларини бағишлишни орзу қилишганди. Шу мақсадда Тошкентдаги Ленин номли педагогика билим юртига кириб ўқишиди. Қўлга эндиғина диплом олиб, муаллимлик қила бошлишгандა эса уруш бошланиб кетди... Бутун эл-юрт қатори улар ҳам кучли ва маккор душманга қарши тўрт йил мардона жанг қилишиди.

Ниҳоят, уруш буюк Ғалаба билан тугаб, омон-омон бўлди. Аммо бу уруш мамлакатимиз ҳалқ хўжалиги-га, маорифига, маданиятига етказган зарарниңг ўрни билинмайдиган бўлиб кетгунига қадар бутун совет ҳалқига жуда кўп меҳнат қилишга, тер тўкишга тўғри келди.

Урушдан кейинги йилларда, айниқса мактабларнинг аҳволи оғир эди. 1946 йилда бешта хонадан иборат бўлган 25-мактабда юзтадан кўпроқ ўқувчи ўқирди. 9 муаллимнинг 6 нафари чеккадан келган, олий маълумотли биронта ҳам кадр йўқ. Мактаб директори билан илмий бўлим мудири олдида мактабнинг моддий аҳволини яхшилаш, фанлар бўйича маҳаллий кадрлар етишириш, кўргазмали қуроллар, инвентарларни кўпайтириш вазифаси туради.

Ишни кадрлардан бошлишга тўғри келди. Яхши ўқиган ўқувчилар танлаб олиниб, турли мутахассисликлар бўйича олий ўқув юртларига юборилди. Мактаб бир неча йил мобайнида ҳамма фанлардан етарли ўқитувчи кадрларга эга бўлди. Мактаб учун янги, замонавий бинолар қурилди. Асосий предметлар бўйича машгулотлар бой кўргазмали қуроллар асосида, кабинет системасида олиб бориладиган бўлди. Вақти келиб,

Шу мактабда таълим олган ёшлар ёрасидан ўнлаб, ажойиб олимлар ва врачлар, инженерлар, кўкси қўша-қўша орден ва медалларга тўла соҳибкорлар ва сабзавоткорлар етишиб чиқди. Ҳозир улар республикамиз халқ хўжалигининг турли соҳаларида муваффақият билан меҳнат қилиб, эл олқишига сазовор бўлишагапти. Бу кишилар ўттиз беш йилдан бери қишлоқ мактабига бошчилик қилиб келаётган Раҳимжон Ёқубжонов билан Ғулом Имомназаровни ўзларининг табаррукустозлари санашади.

1969 йилнинг баҳорида 25-мактабда бўлиб ўтган комсомол мажлисида Раҳимжон Ёқубжонов ўқишидан бўш вақтларда ва ёз ойлари «Партия XXI съездзи» совхозида ўқувчилардан иборат далачилик бригадаси тузиб ишлаш, бундан тушган маблағга эса мактаб ҳовлисида қишлоқдан Ватан урушига кетиб, қайтиб келмаганлар хотираси учун обида ўрнатишни таклиф эгди. Бу таклифни ҳамма қўллаб-қувватлади. Обида қурилиши бошланганда мактаб комсомоллари қишлоқда уйма-уй юриб, урушда ҳалок бўлгандарнинг рўйхатини тузишди. Шунда ёшлар урушгача мўъжазгина қишлоқ бўлган Хонободдан 120 га яқин йигит жангга кетиб, атиги ўттиз нафардан ортиғигина қайтиб келганини, буларнинг ҳам ярими бир умрга майиб-мажруҳ бўлиб қолганлигини билиб ҳайрон қолишди. Тўрттаб-бешта йигитни жангга кузатиб, биттаси билан ҳам қайта дийдор кўришмаган оиласалар бор экан. Битта кичкина қишлоқда шундай бўлса! Бутун мамлакат миқёсида Хонобод сингари қишлоқ ва шаҳарлардан минглаб бор-ку! Комсомол-ёшлар мана шулар ҳақида ўйлашганда ҳозирги фаровон, эркин ҳаёт, нурли истиқбол оталар ва болалар тўккан дарё-дарё қонлар эвазига юзага келганлигини яна бир бор чуқур ҳис этишди.

Буюк Ғалабанинг йигирма беш йиллиги бутун мамлакатимиизда нишонланган кунларда 25-мактаб

ҳиёбонида ҳамқишлоқлар хотирасига ўрнатилган обидა тантанали суратда очилди. Мана, ўн йилдирки, унинг пойгагидан турфа гуллар аримайди. Бу гулларни шу мактабнинг ўқувчилари — марҳум жангчиларнинг невара-эваралари қўйишади. Уларга қаҳрамонлар хотирасини ҳурматлашни меҳрибон устозлари ўргатишган.

Буюк рус ёзувчиси Антон Павлович Чехов асримиз бошида Россиянинг ҳар бир қишлоғида биттадан олий маълумотли муаллим бўлишини орзу қилганди. Бу пайтда Россиянинг олис мустамлака ўлқаси бўлган Туркистонда одамлар икки энлик ариза бита оладиган саводли кишини қидира-қидира зўр-базўр топишарди. Шундан бери кўп сувлар оқиб ўтди. Улуғ Октябрнинг зиёбахш нури туфайли бутўн советлар мамлакати қатори Ўзбекистон ҳам ҳар томонлама гуллаб-яшнаган ўлкага айланди. Республикамиз шаҳар ва қишлоқларида халқ зиёлиларининг катта армиясан юзага келди.

Калинин районидаги Хонобод қишлоғи тақдиррида Ўзбекистонда Совет ҳокимияти даврида юз берган ўзгаришлар худди кўзгудагидай акс этган. 30-йилларнинг бошида биттагина муаллими бўлган қишлоқда ҳозир етмишдан ортиқ педагог яшаб, меҳнат қилмоқда. Раҳимжон Ёқубжонов ана шу педагогларнинг биттаси.

Раҳимжон ака муаллимлик ер юзидағи энг табаррук, энг мўътабар касблардан эканлигини азалдан яхши биларди. Кексайиб, соч-соқолига қиров қўнгач, бунга яна бир бор иқрор бўляпти. Унинг қишлоқ аҳли ўртасидаги обрў-эътибори ҳар ким ҳавас қилгудай. Одамлар умрини ёшларга устозлик қилишга багиашланган бу инсонни кафтларига олгудай бўлиб эъзозлашади, тўй-маъракаларда ҳамиша тўрга чиқаришади. Зотан, кишига эл ҳурматини қозонишдан ортиқ баҳт бўлмаса керак.

КАШТАДАГИ СИЙМОЛАР

Адашмасам, 1949 йилнинг қиши эди. Калинин районидаги М. Горький номли 20-ўрта мактабда ўқирдим. Тошкентда ажойиб виставка очилганмиш, унда Алишер Навоийнинг ипак билан тикилган портрети қўйилганмиш, деган овоза тарқалди. Муаллимимиз якшанба куни ўттизга яқин ўқувчини Тошкентдаги ҳозирги Темириўлчилар маданият саройига олиб келди. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг 25 йиллигига бағишилаб бу ерда ташкил этилган кўргазманинг экспонатлари орасида ўзбек шеъриятининг даҳоси Алишер Навоийнинг ипак билан тикилган портрети кўплаб томошибинларнинг диққат-эътиборини тортарди. Кишилар бу портрет олдида узоқ-узоқ туриб, каштачи маҳоратига тасанно айтишарди.

Шундан бери кўп сувлар оқиб ўтди...

1977 йил 26 июнда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республикада халқ амалий санъатининг аҳволи ва уни янада ривожлантириш тадбирлари тўгрисида қарор қабул қилганда, бу ҳужжатдаги қуидаги сатрлар эътиборимни торти: «...Тошкент шаҳрида бадиий каштачилик бўйича Ўзбекистон халқ рассоми Фазилат Сайдалиеванинг устахонасини очиш масаласи ҳал этилсин». Шу сатрларни ўқидиму Фазилат Сайдалиева билан учрашишга қарор қилдим.

Фазилат опа Тошкент шаҳри марказидаги Пролетар кўчасидаги кўп қаватли уйлардан бирида яшаркан. Унинг ҳузурига ташриф буюриб, бундан ўттиз иккى йил аввал Навоий портретини ипак билан тиккан чевар шу аёл эканлигини билдим. Опанинг уйи ўзига хос каштачилик кўргазмасини эслатади. Қаёқча қараманг расмлар, кашталар. Улар орасида битгани ҳам, битмагани ҳам бор.

Ўзбекистонда бадиий каштачилик энг қадимий санъатлардан саналади. У халқдаги ўз турмушини гў-

зал қилиш истаги натижасида юзага келган. Инсоний ҳуқуқлардан маҳрум этилган оналаримиз, бувиларимиз тўрт девор орасида ўтириб, ўз юрак туйғуларини игна ва ипак орқали ифода этишган. Натижада эрам боғларида гўзал шохи сўзаналар, палаклар, чамандагул дўппилар яратилган.

Аммо ўзбек каштачилигига игна ва ипак орқали инсон образини яратишга интилиш совет воқелигимизга хос. Санъатимизнинг бу тури тараққиётимиз белги-си бўлган ҳодисадир.

Фазилат Сайдалиева Улуг Октябрь тенгдоши. У ёшлигидан врач бўлишни орзу қилганди. Лекин рассомликка ҳам ҳаваси баланд эди.

...Бу воқеа Тошкент Давлат медицина институтининг учинчи курсида ўқиб юрганида бўлганди. Институт домлаларидан бири эллик ёшга тўлди. Фазилат ўзи беҳад ҳурмат қиласидаги устозининг рангли портретини ишлаб, юбилей кечасига совға қилди. Ҳамма нозиккина, нағисгина ўзбек қизининг катта иқтидорини кўриб ҳайрон қолди. Кўпчилик унга институтни ташлаб бадиий-рассомчилик билим юртига кириб ўқишини маслаҳат берди. Қиз эса мақсади врач бўлиш эканлигини айтиб, ўқишини давом эттираверди. Лекин барибир институтни тугаллаш унга насиб этмади. Огир дардга чалинганлиги сабабли ўқишини ташлашга тўғри келди. Орадан уч йил ўтгач, Фазилат Тошкент халқ ижодий уйи қошидаги уч йиллик тасвирий санъат курсини битирди. Институтда ўқиганида анатомияни яхси кўрганилиги рассомчиликни эгаллашида жуда қўл келди. Унинг санъаткор сифатида ўз йўлини тошишида эса дастлаб рассомлар В. Фадеев ва А. Ершова, кейинроқ Ўзбекистон ССР халқ рассоми Абдулҳақ Абдуллаев яқиндан ёрдам беришди. Курсни битиргач «Ўзбекистон рассомлари» артелида меҳнат фаолиятини бошлаб, гуашда нақш ва паннолар ишлади. Бу асарлари халқ талантларининг кўргазмаларида намо-

йиш этилди. 1943—1944 йилларда Охунбобоев номли республика ёш томошибинлар театрида рассом бўлиб ишлади ҳамда бир қатор китобларга расмлар чизди.

Фазилатнинг каштачиликка ўтиши ҳам қизиқ бўлди. Ёз пайтлари Тошкентдаги ҳовлиларида анвойи гуллар чамандек очилиб ётарди. Фазилат ўтириб, гулзордаги атиргулларнинг нусхасини ипакка кўчириши машқ қилди. Кейин сўзана, дўппи, палак тикишга ўтди.

Республикамизнинг чорак асрлик юбилейига қизгин тайёргарлик кетаётган пайтда ёш рассомга ипакда портретлар ишлаб, паннолар тикиш нияти тинчлик бермай юрганди. У республика тўйинга шеъриятимизнинг даҳоси Алишер Навоийнинг портретини ипакда тикиб совга қилишга аҳд қилди. Иш гоят муваффақиятли чиқди. Ўзбек рассомининг номи матбуот саҳифаларида тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди. Жумладан, 1951 йил 18 августда «Советская культура» газетаси у ҳақда шундай деб ёзди: «Қардош республикалар ва айниқса, рус халқи санъатини чуқур ўрганиш ўзбек чеварларига каштачиликнинг янгидан-янги йўлларини эгаллаш имконини бермоқда. Республикада айниқса, бир қатор халқ ижоди виставкалари қатнашчиси бўлган Ўзбекистон ССР халқ рассоми Ф. Сайдалиеванинг асарлари машҳурdir. Шарқ орнаментини аъло даражада билиш, юқори техника, маҳорат Сайдалиевага қисқа вақтда ўзбек миллий тасвирий санъатининг йирик вакиллари сафидан ўрин олиш имконини берди».

Игна билан инсон тасвирини чизиш игнада қудуқ қазиши билан баробар. Бу чевардан нозик дид, маҳорат, қунт ва ирова талаб этади.

Мана, рассом ишлаган, кўп йиллардан бери Ўзбекистон ССР санъат музейида намойиш этилаётган Алишер Навоий портретини олайлик. Бу асарини у

бир йил ишлаган. Портретнинг чекка қисми Навоий замонига хос гул ва нақшлар билан безатилган. Бу безаклар асарнинг композициясини бойитган, унга ўзига хос латофат, гўзаллик бахш этган.

Фазилат опа каштачиликда катта маҳорат орттиргандан кейин пролетариатнинг улуг доҳийси Владимир Ильич Лениннинг портретлари туркумини яратишга киришди. Бу ишга у уч йилдан ортиқ вақтини сарфлади. У яратган доҳий портретлари ҳозир Боку, Киевдаги санъат музейларида, Тошкентдаги А. Навоий номли адабиёт музейида намойиш қилинмоқда. В. И. Ленин портретлари туркумини яратганлиги учун Ф. Сайдалисва республика Давлат Ҳамза мукофотига сазовор бўлдп. Каштачи-рассом буюк рус шоири М. Ю. Лермонтов, украина адабиётининг классиги Т. Г. Шевченко, тоҷик ва ўзбек совет адабиётининг классиги Садриддин Айний, ўзбек шоири ва адиллари Бобир, Ойбек, Ғафур Ғулом, таниқли саҳна устаси Сора Эшонтўраванинг портретларини ишлади, сўзаналар тикди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, ССРР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежневнинг етмиш йиллiği бутун совет ҳалқининг ва дунёдаги барча тараққийпарвар, тинчликсевар ҳалқларнинг катта байрамига айланди. Еу байрамга ҳамма қатори Фазилат опа ҳам олдиндан тайёргарлик кўрди. Леонид Ильичнинг уруш йиллари ҳарбий формада тушган расмини ипакда тикиб, юбилей арафасида совға қилиб юборди. Орадан кўп ўтмай ўзбек каштачи-рассоми номига қуйидаги миннатдорчилик мактуби келди.

«Хурматли Фазилат Шариповна! Ажойиб совғанингиз учун Сизга катта раҳмат. Нимаинки қалб қўрини қўшиб қилинса, юракдан қабул этилади. Урушнинг отир кунлари, тинчлик кунларидаги серташвиш дамлар, қисқаси, партия қандай ўргатган бўлса шундай: одамларга, Ватанга имкон борича хизмат қилишга,

имкон борича наф келтиришга интилиб яшаган ҳаётим яна бир-бир кўз ўнгимдан ўтди.

Яна бир карра раҳмат. Сизга катта ижодий муваффақиятлар тилайман.

Л. И. Брежнев».

Бу мактуб Фазилат опанинг қалбини қувончга тўлгазиб юборди. Ўзбекистонлик оддий каштаци-рассомнинг камтарона совғаси учун улуг мамлакатнинг улуг йўлбошчиси хат йўллаб миннатдорчилик билдиrsa, ижодида муваффақиятлар тиласа... Фазилат опа Леонид Ильинчнинг мактубини ўқир экан, беихтиёр ўтмиш замонда яшаб ўтган, истеъоди тўрт девор орасида гулдайин сўлган юзлаб, минглаб мунис ўзбек аёлларини эслади. Уларнинг мингдан биттасига ҳам ўз иқтидори билан эл-юрга танилиш, ҳаётда из қолдириш насиб этмаганди. Фақат совет замонида, социализм шароитидагина Шарқ хстин-қизлари эркаклар билан барабар меҳнат ва ижод қилиш, моддий ва маънавий бойликлар яратиш имконига эга бўлдилар. Бунинг учун барча қатори Фазилат опа ҳам Коммунистик партия ва Совет ҳукуматига чексиз миннатдорчилик билдиради.

Санъаткорнинг қирқ йиллик фаолиятига разм солгандга, унинг ижод маҳсули у қадар кўп эмаслигини кўриш мумкин. Лекин санъатда, энг муҳими миқдор эмас, сифат эканлигини ҳисобга олганда, рассом оз бўлса ҳам соз ижод қилганлигига, узоқ-узоқ йиллар республикамиз музейларининг кўрки бўлиб қоладиган ажойиб портретлар, сўзаналар яратганлигига қаноат ҳосил қилиш мумкин. У ҳозир ҳам янгидан-янги асалар яратиш устида тинмай изланмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республикада халқ амалий санъатининг аҳволи ва уни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида қарор

Қабұл қылғаныдан кейин Фазилат опа шогирдлар тарбиялашга алохида ахамият берә бошлади.

Тошкент шахридаги мактабларнинг ўқувчиларидан Наима Тұхтаева, Илмира Ҳожимуродова, Илмира Бөбеконова, Элвира Аджиумерова каби ёшлар унга шогирд тушиб, каштачилик сирларини ўрганишди. Қизлар босма палак, ироқи, илмоқ тикишни пухта әгаллаб олишди.

Фазилат Сайдалиеванинг ҳаётини бутунлай каштачилик ва рассомчиликка бағищланған, десак муболага қылмаган бўламиз. Опанинг ҳузурида уч-тўрт марта бўлиб, унинг турмуш тарзи, ижод жараёни билан танишиб, кашта, ипак, игна, мўйқалам ва бўёқлар унинг бутун ҳаёти эканлигига, шуларсиз у турмушни тасаввур этолмаслигига ишонч ҳосил қилдик. Санъатда киши ўзига шафқатсиз бўлиб, тинмай ижодий излагандагина ажойиб асарлар яратса олиши мумкинлигини Фазилат опа мисолида яна бир бор тушундик.

МУНДАРИЖА

Меъмор баҳти	3
Әгиз тақдирлар	11
Кенжак шогирд	17
Мингларнинг устози	26
Гулдаста	40
Ер ишқи	50
Меҳр	62
Ветеран	70
Мураббий	80
Каштадаги сиймолар	88

Алпазазар Эгамазаров

ПОКЛОИ ПАСТАВНИКУ

Очерки

На узбекском языке

Издательство «Узбекистан» 1980 — Ташкент, З- 7000129, Навои, 30.

ИБ № 1294

Редактор Р. К. Шомаисурова
Рассом М. Гумаров
Гадиппий редактор О. Собибазаров
Техн. редактор С. Собирова
Корректор З. Муминопа

Теринга берилиди 18. 12. 1979 й. Босшага руҳсат этилди 25. 01. 1980 й. Р - 12936.
Формати 70x108^{1/32}. №1 босма юғозига «Школьная» гарнитураси юғори босма
усулида боенилди. Шартли бос. л. 4,2 Нашр. л. 4,19. Тиражи 5000. Зап. № 221
Баҳоси 15 т.

«Узбекистон» нашириётп. Шартнома № 212 — 79. Тошкент, Навоий 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва нитоб савдоси ишлари Давлат
комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг
полиграфикомбинатида терилиб № 3 босмахонаси нинг 2-цехида босилди.
Тошкент, 700015, т. Шевченко кўчаси, 52,

Э 18 Эгаминазаров А.

Устозга таъзим. — Т.: Ўзбекистон, 1980.—
93 б.

Униб-ўсиб вояга етган, ҳаётда ўз ўрнини топган ҳар бир инсоннинг катта ҳаёт йўлига етаклаб олиб чиқиб, яшашга, меҳнат қилишга, илм чўққилорини эгаллашга ўргатган кишилари бўлади. Булас ҳаммамиз учун она-отамииздай бир умр азиз бўлиб қоладиган устозларимизди.

Бизнинг замонамииздаги устоз ва шогирдлик анъанасли ўтмишдаги манфаатпарастлигин иллатидан холи бўлган, пок инсоний туйгуларга асосланган, йиллар ўтган сайни ҳаётимизнинг барча соҳаларида кенг миқёс олиб бораётган ҳодисадир. Журналист А.Ининазар Эгаминазаров қўлинигиздаги тўйиламга киритган очеркларида ҳозирги ҳаётимизнинг машина шу улуг ҳодисасини қаламга олади, устоз ва шогирдларнинг баҳтили тақдиди, уларнинг бир-бираига меҳр-оқибати, меҳнатсеварлик, одамийлик, ватанинварарлик каби фазилатларнинг авлодлардан-авлодларга мерос бўлиб қолаётганилиги ҳақида завқшавқ билан ҳикоя қиласди.

Эгаминазаров А. Поклон наставнику.

**ББК 65. 9 (2) 30
338:6П**

48 — 80

Навоий номли ЎзССР
Давлат кутубхонаси.

**Э 10903 — 41
M351 (04) 80 — 65—80—0302030800**